

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Магистратура бўлими

Шодмонов Даврон Дўстмуродович

“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида
“Косон ёғ-экстракция” ОАЖда инвестицион лойиҳаларни
ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш йўллари
(Қашқадарё вилояти мисолида)”

Мутахассислик: 5А340201-Менежмент (ишлаб чиқариш)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди

“Менежмент” кафедраси мудири

_____ проф. Х.Муҳитдинов

“ _____ ” _____ 2012 йил

Илмий раҳбар

_____ проф. Х.Муҳитдинов

“ _____ ” _____ 2012 йил

Ҳимояга тавсия этилди

Магистратура бўлими бошлиғи:

_____ доц. Б. Холбаев

“ _____ ” _____ 2012 йил

Қарши – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I БОБ. Инвестиция ва уларни лойиҳалаштиришнинг илмий асослари....	9
1.1 Инвестицияларнинг моҳияти ва минтақа иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти.....	9
1.2 Инвестицияларни режалаштириш ва лойиҳалаштиришнинг ташкилий, иқтисодий муаммолари.....	17
1.3 Инвестицияларни лойиҳалаштиришда минтақа иқтисодий ресурсларининг ўрни.....	30
1 боб бўйича хулоса.....	39
II БОБ. Инвестиция жараёнини моделлаштириш ва алгоритмлаш мажмуини ишлаб чиқиш.....	40
2.1 Инвестициялаш жараёнини моделлаштириш.....	40
2.2 Корхонанинг маҳаллий инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш моделини яратиш.....	46
2.3 Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициялаш жараёнини бошқаришни такомиллаштириш йўллари.....	59
2 боб бўйича хулоса.....	69
III БОБ. Иқтисодиёт етакчи тармоқларини реконструкция қилиш жараёнларида марказлашган инвестициялар самарадорлигини оширишни такомиллаштириш.....	70
3.1 Иқтисодиётни модернизациялаштириш ва реконструкциялаш жараёнларида марказлашган инвестициялар самарадорлигини оширишда хориж тажрибаси.....	70
3.2 Ўзбекистон ҳудудларида марказлашган инвестициялар самарадорлигини ошириш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.....	78

3 боб бўйича хулоса.....	87
Хулоса.....	88
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	91
Иловалар.....	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз иқтисодиёти аҳолининг моддий жиҳатдан кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя этишга мўлжалланган бозор муносабатларига ўтиши шароитида иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, саноатда қишлоқ хўжалигида, қурулишда ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, ижтимоий соҳаларни зарурий объектлар билан таъминлашда марказлаштирилган, чет эл ва маҳаллий инвестицияларининг аҳамияти каттадир. Шунинг учун республикамиз ҳукумати кучли инвестициялаштириш сиёсатини амалга оширмоқда. Натижада маблағларни ҳаётий зарур ҳисобланган аграр секторга, ёқилги энергетика ва мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамловчи ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш билан боғлиқ соҳаларни, ҳозирги замон ва истиқбол талабларига жавоб берувчи, сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун йўналтиришга эришмоқда. Бу эса иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга эришишда ва мамлакат экспорт имкониятларини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестиция фаолиятини тўғри ва ҳар томонлама илмий асосланган даражада амалга оширишнинг ажралмас таркибий қисми бу капитални лойиҳалаштиришнинг турли хил шаклларини ўзаро таққослаш, уларнинг улушларини, миқдорини ва ўзини оқлаш муддатларини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган ҳисоблаш ишлари учун зарурий воситаларни ишлаб чиқиш, инвестициялардан фойдаланишни истиқбол масалаларини ечиш, капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш уларнинг лойиҳалаштириш жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш муаммоларини ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли корхоналарда инвестиция жараёнларини бошқариш ва ривожлантириш кўрсаткичларини аниқлаш имконини берувчи математик модел ва

алгоритмлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан долбзарбдир.

Илмий ишнинг мақсади. Мамлакатимизнинг инвестиция билан боғлиқ ҳаракатда бўлган қонунларни, меъёрий ҳужжатларни, капитал қўйилмаларни талабли лойиҳалаштириш, уларнинг таркибини ва фойдаланиш усулларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда инвестициялаштириш жараёнларини мақадга мувофиқ амалга оширилишининг таъминловчи услубий воситаларни ишлаб чиқиш ва уни типик корхона мисолида амалга оширишни таъминлашдир. Ушбу мақсадга эришиш қуйидаги масалаларни ечишни тақозо этади:

- инвестиция турларини аниқловчи аломатларни аниқлаш, уларнинг моҳиятини очиш ва корхонанинг иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини баҳолаш:

- корхонанинг янада ўсиши мумкин бўлган табиий ва иқтисодий салоҳиятларидан келиб чиққан ҳолда, инвестицияларни объектлар бўйича манзилли лойиҳалаштиришнинг ташкилий, иқтисодий жиҳатларини ва режали амалга ошириш муаммоларини тавсифлаш;

- корхонада инвестицияларни лойиҳалаштиришнинг асосий тамойилларини кўрсатиш ва улар орасида иқтисодий ресурсларнинг ўрнини аниқлаш:

- инвестициялаштириш жараёнининг таркибини, муайян корхонанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш усулларини ва моделлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш:

-маҳаллий инвестиция ресурсларини шакллантиришнинг асосий манбаларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш:

-иқтисодиётини модернизациялаш шароитида инвестициялаштиришнинг бошқариш механизминини такомиллаштириш йўллари асослаш:

- корхонанинг муайян саноат корхонасида инвестицион жараённинг самарадорлигини ошириш омилларини ва йўналишларини аниқлаш ва асослаш.

Тадқиқот услуби. Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб мамлакатимизнинг ва чет эл олимларининг инвестиция жараёнларини ва фаолиятини бошқариш ва ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари, Ўзбекистон Республикасининг Конунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг, инвестиция фаолияти ва тартибга солиб туриш, рағбатлантириш бўйича фармонлари ва қарорлари хизмат қилади. Ушбу илмий тадқиқот ишида республикамызда ва чет мамлакатларда олимлар томонидан ишлаб чиқилган инвестициялаштириш фаолияти билан боғлиқ маълумотлардан, саноат корхоналарини инвестициялашга доир масалаларни ечиш учун зарурий ахборотлардан, Қашқадарё вилояти бўйича ва “Косон ёғ экстракция” ОАЖнинг сармоялаштириш ҳақидаги маълумотларидан ҳамда бошқа статистик, лойиҳавий кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти. Корхоналарда инвестиция фаолиятини бошқариш ва ривожлантириш жараёнлари тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий ишлаб чиқариш объекти. Минтақаларда янги барпо этилаётган ва фаолият кўрсатаётган инвестиция воситаси сифатида қараш мумкин бўлган саноат корхоналарини иқтисодий - ишлаб чиқариш объекти деб ҳисобланади.

Ишнинг илмий янгилиги. Инвестициялаштиришнинг ижтимоий ва иқтисодий моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш тамойилларини пухта ўрганиш асосида инвестициялашнинг кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш имкониятларини берувчи ва корхонанинг маҳаллий инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи иқтисодий - услубий ёндашув ишлаб чиқилди, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида, корхонанинг муайян корхонаси фаолият кўрсатиши шароитларини ҳисобга олган ҳолда инвестициялаштириш жараёнларини лойиҳалаштиришнинг такомиллаштириш йўллари асосланди.

Минтақа саноат корхоналарида инвестиция фаолиятини амалга оширишни зарурлигини ва мумкинлигини аниқлашда фойдаланиладиган ахборотлар тизими ва дастурий таъминотидан фойдаланиш усули ишлаб чиқилди. Инвестициялаштириш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш йўллари очиқ берилди ва Косон ёғ экстракция ОХЖ мисолида унинг баъзи бир кўрсаткичлари аниқланди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Илмий ишда таклиф этилган инвестициялаштириш тизимининг ахборот ва дастурий таъминотлари шахсий ЭХМда бажарилди ва бу муайян объектларнинг инвестицияга

бўлган талабини аниқлаш, уларни тўғри тақсимлаш ва самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Ушбу ишда таклиф этилаётган услубий ёндашув ва моделлар инвестицияларни лойиҳалаштиришда қаралаётган объектнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодни ва ишлаб чиқариш ресурсларини тўғри баҳолашнинг натижаларига эътибор беришни назарда тутди.

Илмий ишнинг хулоса қисмида ушбу тадқиқот ишида кўзланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, эришилаган натижалар асосида минтақа корхоналарида инвестиция фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва мулоҳазалар баён қилинди.

I БОБ. Инвестиция ва уларни лойиҳалаштиришнинг илмий асослари

1.1 Инвестицияларнинг моҳияти ва минтақа иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти

Ислоҳатлардан олдинги даврда инвестиция соҳаси ва унинг муҳим бўғини бўлган қурилиш мажмуи ҳалқ ҳўжалигининг бошқа қатор тармоқлари сингари умум режа иқтисодиёти ва марказлашган бошқарув тартибида фаолият юритган эди. Тармоқ ва ҳудудий чизмаси республика ва минтақалар ривожланишининг тамойиллари, муддати, кўлами ҳамда ихтисослашувини белгилаб берар эди. Энг муҳим қурилишларнинг бош руйхатлари фақат марказнинг рухсати билангина тасдиқланар эди.

Ушбу тизим ҳўжалик юритишдаги ,бошқа камчиликлар билан бирга узок умр кўриши мавҳум бўлиб охир оқибатда инқирозга олиб келди. Инвестиция соҳаси бундан четда қолмайди. Бундан ташқари у ўзининг кўп сонли "аср қурилишлари", капитал қўйилмаларнинг сочиб юборилиши, "узок муддатли қурилишлар" ва "тугалланмаган қурилишлар" билан олим ҳамда мутахассислар таъкидлаганидек, бир вақтнинг ўзида ушбу инқирознинг сабаб ва оқибати эди. Унда иқтисодиётнинг умумий аҳволи, кўпчилик базавий тармоқлардаги ишлаб чиқаришдаги таназули, нарх навонинг ошиб кетиши ва пулнинг қадрсизланиши, йиллар давомида таркиб топган тармоқлараро ва ҳудудий алоқаларнинг бузилиши худди кўзгудагидек бир жойда акс этган эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида "Инвестиция" тушунчасидан бу сўзнинг ҳам кенг маънода, ҳам тор маъносида фойдаланилади. Унинг мазмуни ва моҳиятини бир маънода тарифлаш жуда қийин. Иқтисодий фанларнинг турли бўлимларида , шунингдек , амалий фаолиятнинг турли йўналишларига тадбиқан маблағ солиш соҳалари ва объектларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб , унга , бу атамага , турли маъно берилмоқда.

Олимларнинг инвестициялар тўғрисидаги фикрларини, инвестициялар хусусида қонунларимизда келтирилган кўрсатмаларни умумлаштириб, инвестицияга қуйидаги таъриф бериш мумкин: «Инвестиция деб бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларини бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор бир инвестицион объектга ҳамда ақлий бойликларини бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор бир инвестицион объектга сарфланишига айтилади.»

Бизнинг иқтисодиётимизда инвестиция хусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинди ва ўтган вақт ичида улар анча такомиллаштирилди. Инвестиция тўғрисида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунда кўрсатилишича, инвестиция бу-иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

Бу иқтисодий таъриф инвестициянинг бозор иқтисодиёти шароитида тўлалигича фаолият кўрсатишини аниқ тасдиқлайди. Жумладан унда:

Биринчидан-инвестициянинг ўзига ва инвестиция фаолиятининг объектларига кенг таъриф берилган, иккинчидан-инвестициянинг бевосита иқтисодий ва ижтимоий самара олишга муқаррар боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган.

Агар инвестор даромад олмайдиган бўлса, инвестицион жараёни амалга оширишнинг ҳам мантиқи қолмайди. Демак, инвестицияга бозор муносабатлари принципларидан келиб чиқиб берилган таърифнинг ўзидаёқ инвестицион жараённинг ҳажми, асосий босқичлари, Яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилма маблағлар (сарф-ҳаражатлар), самара (даромад, фойда) аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган. Худди шундай ёндашув инвестицион фаолиятнинг бозор муносабатларига ўтиши учун замин яратади. Бу эса

молиявий, моддий ва ақлий бойликларни қайта тақсимлашнинг вертикал ва горизонтал усулларида бир хилда фойдаланишни таъминлаб беради.

Инвестиция тушунчасининг мазмуни Ўзбекистон республикасининг "Инвестицион фаолият тўғрисида"ги Қонунда "Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига солинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар" сифатида таърифланади.

Бу категориянинг моҳиятини қараб чиқаётганда шуни айтиб ўтмоқ керакки, ҳозирги замон адабиётида уни . инвестицияни, «капитал солиш» билан бирдай қилиб кўрсатиш тез-тез учраб туради. Бундай ҳолларда инвестициялар асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришга маблағ солиш деб таърифланади, бу унчалик тўғри эмас, чунки маблағлар оборот активларига ҳам, номоддий активларнинг айрим турларига ҳам, турли молиявий воситаларга ҳам солинади.

Макроиқтисодий даражада инвестициялар деганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, уй-жой фондини, товар захираларини ўстириш ва шу кабиларга қилинган чиқимларнинг бир қисми, Яъни ялпи ички маҳсулотнинг капиталини ўстиришга қаратилган ва жорий даврда ишлатилмаган қисмини тушунадилар.

Макродаражада ва ишлаб чиқариш назариясида инвестициялар деганда янги капитални, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ва интеллектуал салоҳиятни такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни назарда тутилади.

Молия назариясида инвестицияни реал ёки молиявий активлар қозониш билан боғлайдилар, яъни аслида бу келгусида даромадлар олиш мақсадида қилинган ҳозирги чиқимлардир. Умуман иқтисодиётда инвестициялар капитал жамғариш жараёни сифатида шархланади.

Макродаражада қабул қилинадиган инвестицион қарорлар, одатда нисбатан мустақилдир. Бу қарорлар ўз мотивлари, миқёслари ва мақсадларига кўра турличадир ва тегишли молиявий натижаларга олиб келади, булар одатда, ҳисоблаб чиқилади, прогноз қилинади ва танлаш

мезони бўлиб хизмат қилади. Фаолият соҳасини танлаш , унинг молиявий сиёсати нуқтаи назаридан молиячи ва инвестор учун муҳим нарсаси макроиқтисодий циклнинг барқарор, циклик ва ўсаётган тармоқлардаги аҳволга таъсир даражаси ҳақидаги ахборотга эга бўлишидир. Бу ахборот инвестицион сиёсат соҳасида корхона даражасида қарорлар қабул қилиш учун зарурдир, чунки корхона у ёки бу инвестицион сиёсатни танлар экан, ўзининг иқтисодий тараққиётнинг узок муддатли тенденцияларини прогнозлаш ва уларга мослашиш имкониятини рўёбга чиқаради.

Инвестициялашнинг минтақа иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти, ишлаб чиқаришга , қимматли қоғозларга ва шулар кабиларга маблағ солиш шунда мақсадга мувофиқ бўладики, агар:

- шу солинмадан келган соф фойда маблағларни банк депозитига жойлаштиришдан келган соф фойда кўп бўлса;

- инвестицияларнинг рентабеллик даражаси инфляция даражасидан юқори бўлса;

- минтақада муайян лойиҳанинг рентабеллиги, пулнинг муваққат қийматини ҳисобга олганда, муқобил лойиҳаларнинг рентабеллигидан юқори бўлса;

- минтақада корхона активларининг рентабеллиги лойиҳалар амалга оширилгандан кейин кўпайса (ёки ҳеч бўлмаганда камаймаса) ва ҳар қандай ҳолда ҳам қарз маблағлар бўйича ўртача ҳисоб ставкасидан ортиқ бўлса;

- қараб чиқиладиган лойиҳа ишлаб чиқаришнинг рационал ассортимент тузилмасининг шаклланиши, харажатларнинг қопланиш муддатлари чиқимлар қопланадиган молиявий манбалар мавжудлиги, барқарор, лекин оддий, ёки, аксинча, жамланган, лекин вақт жиҳатдан ажратилган тушумларни таъминлаш ва шулар кабилар нуқтаи назаридан корхонанинг бош стратегик линиясига мос келса.

Шундай қилиб , инвестициялар тўғрисида қарорлар қабул қилиш кутилаётган даромаддорлик билан хатар ўртасидаги нисбатнинг таҳлилига асосланади.

Пулнинг даромад келтириш лаёқати пул келадиган манбаларга ва унинг нималарга сарфланишига, яъни пулнинг каердан келиши ва нималарга инвестицияланишга боғлиқ. Бинобарин, капитал манбаларининг ишончилиги билан маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги ўртасида узвий боғлиқлик кузатилади. Инвестициялар ана шу белгилари билан бошқа маблағ солишлардан фарқланиб туради.

Яъни инвестициялашнинг минтақа иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти шундан иборатки, улар капиталнинг ҳаракати жараёнига тортилган, аниқроғи, капитал ҳаракати жараёнининг ўзи инвестициялар моҳиятини акс эттиради. Бу ҳаракат жараёнида капиталнинг ўсган қисми инвестор мавжуд маблағлардан ҳозирги вақтдаги истеъмол учун фойдаланишдан воз кечганлигини компенсациялашга, келгусидаги инфляциядан кўриладиган зарарни қоплаш хатари учун уни мукофотлашга етарли бўлади.

Юқорида айтилганлардан шу хулоса келиб чиқадики, минтақаларда инвестициялар "капитал солинмалар" га қараганда анча кенг маъноли тушунчадир. Инвестициялар капитал ҳаракати жараёнига жалб этилади. Улар муайян вақтга конкрет активлар билан боғланади:

Уларнинг асосий мақсади -минтақада катта қийматини сақлаб қолиш ёки уни кўпайтиришдир. Инвестицияларнинг капиталдан асосий фарқи эса шундан иборатки, хатар уларга қараб прогнозланади ва фойда нормаси белгиланади.

Макроиқтисодий даражада инвестициялар деганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, уй-жой фондини, товар захираларини ўстириш ва шу кабиларга қилинган чиқимларнинг бир қисми, Яъни ялпи ички маҳсулотнинг капитални ўстиришга қаратилган ва жорий даврда ишлатилмаган қисми тушунилади.

Демак иқтисодий назарияда инвестициялар деганда, янги капитални , шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ва интеллектуал салоҳиятни такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёни назарда тутилади.

Инвестицияларнинг мақсади, вазифаси, манбалари ва йўналишлари



1-расм. Инвестицияларнинг йўналишлари

Молия назариясида эса инвестицияни реал ёки молиявий активларга эга бўлиш билан боғлайдилар, Яъни аслида бу келгусида даромадлар олиш мақсадида қилинган ҳозирги чиқимлардир. Масалан Ричард Кохнинг «Менеджмент и финанс- от Я до Я» деб номланган машҳур луғатида (Москва 1999 й) инвестицияларга қуйидаги тўрт хил таъриф берилади: 1) Янги асосий фондлар. 2) Молиявий активларни сотиб олиш. 3) Келажакда натижа олишга

каратилган ҳар қандай фаолият тури. 4) Бухгалтерия нутаи назаридан корхонанинг асосий фаолиятидан тўғридан тўғри фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳар қандай активлар тушунилади.

Демак иқтисодиётда инвестициялар капитал жамғариш жараёни сифатида таърифланади.

Лоренс Дж Дикман, Майкл Д.Джонкларнинг «Инвестициялаштириш асослари» (Основ- инвестирования) – Масква 1997г) китобида эса «Инвестициялар капитал қийматини сақлаш ва кўпайтирилишини таъминлайдиган, ёки капитални кўшимча даромад келтирадиган соҳаларда лойиҳалаштириш усулидир» деб таърифланади. Албатта бу жуда кенг ва содда тушунча бўлиб, у моҳият жиҳатидан юқоридаги таърифларга зид эмасдир.

Минтақа нуқтаи назаридан капитал қўйилмаларни кўшимча даромад келтирадиган соҳаларда лойиҳалаштириш ғоят муҳим аҳамиятга эkanлиги кўриниб турибди. Яъни пухта ўйлаб, аниқ ҳисоб-китоб асосида бугун амалга оширилган капитал сарфлар келажакда юқори даромад манбаи бўлиши минтақа тараққиётига кенг йўл очади.

Шундай экан инвестициялаштириш жараёнининг ривожланиши минтақа иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Корхонада инвестицияларни турли туман белгиларга кўра табақаланади. Энг аввало асосий капитални кўпайтириш зарурати билан боғлиқ СОФ инвестициялар ва асосий фондларнинг емирилишини ўрнини қоплаш зарурати тақозо этган ЯЛПИ . инвестициялар фарқланади.

Инвестициялар қўйилган объектлари бўйича ҳам фарқланади:

Бундай объектлар мулк, молиявий воситалар, номоддий қийматликлар бўлиши мумкин.

Микродаражада қабул қилинадиган инвестициявий қарорлар, одатда нисбатан мустақилдир. Бу қарорлар ўз мотивлари, миқёслари ва мақсадларига кўра турличадир ва тегишли молиявий натижаларга олиб келади, булар одатда, ҳисоблаб чиқилади, башорат қилинади ва танлаш

меъзони бўлиб хизмат қилади. Фаолият соҳасини танлаш ва бу борада олиб борилаётган молиявий сиёсат нуқтаи назаридан молиячи ва инвестор учун муҳим нарса макроиқтисодий циклнинг барқарор, циклик ва ўсаётган тармоқлардаги аҳволга таъсир даражаси ҳақидаги ахборотга эга бўлишидир. Бу ахборот инвестицион сиёсат соҳасида корхона даражасида қарорлар қабул қилиш учун зарурдир. Чунки корхона у ёки бу инвестицион сиёсатни танлар экан, ўзининг иқтисодий тараққиётнинг узоқ муддатли тенденцияларини баҳолаш ва уларга мослашиш имкониятини рўёбга чиқаради.

Инвестициялашнинг минтақа иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти, ишлаб чиқаришга, қимматли қоғозларга ва шулар кабиларга маблағ солиш шунда мақсадга мувофиқ бўладики, агар:

- шу солинмадан келган соф фойда маблағларни банк депозитига лойиҳалаштиришдан келган соф фойдадан кўп бўлса;

- инвестицияларнинг рентабеллик даражаси инфляция даражасидан юқори бўлса;

- корхонада муайян лойиҳанинг рентабеллиги, пулнинг муваққат қийматини ҳисобга олганда, муқобил лойиҳаларнинг рентабеллигидан юқори бўлса;

- корхонада корхона активларининг рентабеллиги лойиҳалар амалга оширилгандан кейин кўпайса (ёки ҳеч бўлмаганда камаймаса) ва ҳар қандай ҳолда ҳам қарз маблағлар бўйича ўртача ҳисоб ставкасидан ортиқ бўлса;

- қараб чиқиладиган лойиҳа ишлаб чиқаришнинг рационал ассортимент тузилмасининг шаклланиши, харажатларнинг қопланиш муддатлари, чиқимлар қопланадиган молиявий манбалар мавжудлиги, барқарор, лекин оддий, ёки аксинча, жамланган, лекин вақт жиҳатдан ажратилган тушумларни таъминлаш ва шулар кабилар нуқтаи назаридан корхонанинг бош стратегик линиясига мос келса.

Шундай қилиб , инвестициялар тўғрисида қарорлар қабул қилиш кутилаётган даромаддорлик билан хатар ўртасидаги нисбатнинг таҳлиliga асосланади.

Минтақа иқтисодиётига солинган инвестициялар моҳияти жиҳатидан қуйидаги турлардан иборатдир;

1. Моддий активларга қилинадиган инвестиция бино, иншоотлар, асбоб ускуналар, транспорт воситалари ва ҳоказолар, уларга моддий шаклга эга бўлган узоқ хизмат қилувчи активларга сарфланган сармоялар киради.

2. Номоддий активларга қўйилган инвестициялар. Муаллиф ҳуқуқлари, лицензиялар, товар биржалар шу каби моддий инвестицияларга қилинган активлар тушунилади.

3. Молиявий инвестициялар қиммат баҳо коғозлар сарфланган инвестиция, Яъни акция, облигация, давлат хазинаси мажбуриятлари, пайлар ва бошқа молиявий капиталга сарфланган сармоялар тушинилади. Инвестицияларни ўз вақтида керакли соҳаларга йўналтириш нафақатгина алоҳида олинган корхона ёки туман иқтисодига ижобий таъсир этиб қолмасдан балки бутунлай иқтисодиёт самарадорлигига таъсир этиши мумкин. Инвестицияларнинг минтақа иқтисодига ижобий таъсир этиши учун нафақатгина оқилона инвестиция сиёсатини юритиш керак, балки ушбу мавжуд инвестициялардан самарали фойдаланиш учун шарт -шароит туғдириш зарур. Бу эса, инвестицияларни режалаштириш ва лойиҳалаштиришнинг бир қатор ташкилий – иқтисодий муаммоларини тўғри ҳал қилишга ҳам боғлиқдир.

1.2 Инвестицияларни режалаштириш ва лойиҳалаштиришнинг ташкилий, иқтисодий муаммолари

Инвестициялар шакллари тўлиқ ўрганиб таҳлил қилиш ва лойиҳалаштириш учун, аниқ ва пухта ўйланган режа тузишга тўғри келади.

Бундай режа асосида инвестициявий лойиҳа ётади. «Лойиҳа» сўзини бу ўринда икки хил маънода ишлатиш мумкин. Биринчидан, бу амалга оширилиши кўзда тутилган ғоянинг маълум бир объект ҳолатида тасвири, ҳисоб китоби чизмалари ва кўриниши бўлиб, унда ушбу ғоянинг ҳақиқатда рўёбга чиқариш мумкинлигини акс эттирувчи моҳият очиб берилган бўлади. Бу маънода масаланинг техник ечими ўз ифодасини топади. Иккинчисидан, иқтисодий маънода «лойиҳа» деганда, конкрет ижтимоий-иқтисодий ғоя мақсадини амалга ошириш бўйича тадбирлар ва ҳаракатлар дастури тушунилади. Ушбу дастурнинг юрагини молиявий режа ташкил қилади. Молияловчи корхона учун режа инвестицияларнатижасида олинadиган фойданинг бўлғуси меъёрини баҳолаш учун асос беради. Бўлғуси инвесторлар ушбу режада қандай маълумотлар тақдим этилганига ўта талабчанлик билан ёндашадилар. Чунки у, лойиҳани қай тарзда бошқариш мумкинлиги, унинг самарадорлигини таъминлаш, шунингдек инвестицияларнинг қайтарилишини режа асосида баҳолашлари мумкин бўлган дастлабки ҳаққоний асос бўлиб ҳисобланади.

1.1-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг тузилмаси (фоизда)

№	Манбалар	2006	2007	2008	2009	2010	2011
1	Давлат бюджети	29,2	21,5	23,9	16,8	14,9	12,8
2	Корхоналар маблағлари	27,1	31,1	41,2	43,9	43,2	48,5
3	Аҳоли маблағлари	12,0	10,3	11,4	10,2	12,4	11,8
4	Ҳукумат кафолати асосидаги инвестициялар	19,8	23,2	14,8	18,0	14,5	6,0

5	Тўғридан-тўғри хориж инвестициялари	3,4	4,8	5,3	7,9	10,0	13,2
6	Банкларнинг марказлашган кредитлари	5,1	5,9	0	0	0	0
7	Тижорат банклари кредитлари	1,7	2,2	2,4	2,2	2,3	2,9
8	Бюджетдан ташқарии фондлар маблағлари	1,3	0,1	0,2	0,2	2,4	4,7
9	Бошқа қарзга олинган маблағлар	0,4	0,9	0,8	0,8	0,3	0,2
10	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Қулай макроиқтисодий муҳит ва ташқи бозорда рақобат қилиш қобилияти тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўсишига таъсир кўрсатди.

Республика иқтисодиётига 2010 йилда 240,8 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар жалб этилди, бу эса 2009 йилга нисбатан 1,5 марта юқоридир.

Режалаштиришнинг аҳамияти инвестор ва кредиторларни лойиҳа муваффақиятининг ёрқин ифодаланган стратегияси борлигига ва уларнинг қўллаб-қувватлаш ўзини тўла оқлайди, деб ишонтириш зарурати билан чекланиб қолмайди. Бундай режа нафақат лойиҳа ташаббускори сифатида, балки лойиҳа ижрочисига ҳам фаолиятнинг бўлғуси стратегик йўналишларини аниқ белгилаш имконини яратиб, қачон ва қандай муддатларда бу мақсадларга эришиш мумкинлигини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Режалаштириш корхонанинг жорий ва молиявий

фаолиятини режалаштириш ва бу фаолият натижаларини узлуксиз назорат қилиб туриш механизмига асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги хулосаларга асосланиб, режалаштириш нима беради, нималарни ўз ичига олади ва нимага хизмат қилади, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз:

- рақобат шароитларида лойиҳанинг яшовчанлигини белгилаш имконини беради
- лойиҳа (фирма) қандай ривожланиши кераклигини кўрсатади.
- ташқи инвесторлардан молиявий ёрдам олишнинг муҳим қуроли бўлиб ҳисобланади.

Инвестициявий режаларни ишлаб чиқишда тижорат банки энг фаол иштирокчи бўлиши шарт, чунки лойиҳага бошқа ҳеч ким манфаатдорлик билан ҳолисона ёндаша олмайди. Турли вариантлар орасидан энг самаралигини танлаб олиш ва режалаштириш жараёнида, янги лойиҳанинг муваффақиятига туғаноқ бўлувчи ҳолатларни назарда тутиб, бизнес-режа бирон-бир тўсиқдан ўтолмай қолиши мумкинлигини аниқлаганда, узоқни кўзлаб, шошилмасдан иш тутган маъқул. Балки лойиҳанинг бутунлай чиппака чиқишидан кўра, амалий фаолликни тўхтатиб, ортиқча вақт ва маблағ кетишига чек қўйган маъқулдир. Банк лойиҳа ижодкори сифатида, бизнес-режани ишлаб чиқувчиларни кўпроқ лойиҳа ғояси ишлаб чиқиладиган даврда ўтказилган тадқиқотлар натижасида юзага келган ташқи ахборотдан хабардор қилиш учун керак.

Режалаштириш таркиби ва уни деталлаштириш даражаси у тегишли бўлган лойиҳа ҳажми ва қамровига боғлиқ. Режа таркиби, шунингдек

мўлжалланаётган сотиш бозори ҳажми, рақобатчилар мавжудлиги ва тузилаётган корхонанинг ўсиш истикболига ҳам боғлиқ. Ниҳоят, узок давом этган сермашаққат иш тугалланади. Режага сўнги нукта қўйилади. Шундан сўнг инвестор томонидан инвестициялашга маблағ ажратиш учун шароит яратилади.

Биз қуйида корхонада инвестицияларни жойлаштирилишни Қашқадарё вилоятининг 2009 - 2011 йиллар бўйича статистик ахборотлари асосида таҳлил қиламиз.

1.2-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Марказлаштирилган инвестициялар		288479,7	412104,3	157090,3
- бюджет маблағлари	млн.сўм	49064,4	63325,5	46049,4
- бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	млн.сўм	132923,2	157444,5	65678,3
- ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	млн.сўм	106492,1	191334,3	51806,7
Марказлашмаган инвестициялар		1352199,8	1780883,9	1440879,6
- корхоналарнинг ўз мблағлари	млн.сўм	649897,2	973733,5	663982,2
- тижорат банклари кредитлари	млн.сўм	11841,6	34304,2	49943,8
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	млн.сўм	589367,2	628049,2	456911
- аҳоли маблағлари	млн.сўм	101093,8	144797	263598,5
- бошқалар	млн.сўм	-	-	-
Инвестицион лойиҳалар сони	сони	19	20	17
Қиймати	млрд.сўм	695,9	819,4	508,7

Биз куйида корхонада инвестицияларни жойлаштирилишни Қашқадарё вилояти Косон туманининг 2009-2011 йиллар бўйича статистик ахборотлари асосида таҳлил қиламиз.

1.3-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Марказлаштирилган инвестициялар		10578,9	39639,7	10839,9
- бюджет маблағлари	млн.сўм	7241,0	7889,3	9963,7
- бюджетдан ташқари фондлар мблағлари	млн.сўм	3337,9	4445,0	207,5
- ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	млн.сўм		27305,4	668,7
Марказлашмаган инвестициялар		45466,7	22025,1	35478,4
- корхоналарнинг ўз мблағлари	млн.сўм	37294,5	5298,5	5705,7
- тижорат банклари кредитлари	млн.сўм	1190,6	1691,1	1507,2
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	млн.сўм			47,3
- аҳоли маблағлари	млн.сўм	6981,6	15035,5	28218,2
- бошқалар	млн.сўм			
Инвестицион лойиҳалар сони		-	1	2
Қиймати	млрд.сўм	-	27,3	0,7

Албатта бу маблағларнинг қанчалик кўп ёки озлиги бизни кизиқтирмайди. Биз бу мақсадларнинг нечоғлик тўғри режалаштирилиб, энг мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр юритишимиз керак.

Минтақавий инвестициялаштиришнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, асбоб ускуналар, кабел маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларнинг барча асосий турларини, қувурлар ва металл прокатини, бинокорлик материалларини ва ҳам буюртмачилар, ҳам пудрат ташкилотлари томонидан олинаётган бошқа материаллар ва буюмларни ҳарид

қилиш маблағ билан таъминлашнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобидан минтақаларда тендер асосида амалга оширилади.

Ўтказилган тендер натижалари бўйича шартнома тузилиб қурилиш объектларга ресурслар етказиб бериш тендер ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Бунда айниқса ҳар бир объект бўйича бизнес режаларини ишлаб чиқиш ва оғишмай амалга ошириш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестициявий режа ўзида инвестициялаштириш мақсадларини, усулларини ҳамда маълум таваккал хатари остида, қўйилган мақсадларга эришиш муддатларини ўзида ёзма равишда акс эттирадиган ҳужжатдир. Мақсадлар қўйилган заҳоти инвестициявий режа ишлаб чиқилиши керак. Ушбу режада инвестициялаштириш жараёни қандай кечиши батафсил баён қилиниши лозим. Ҳар бир мақсад учун унга эришиш мухлати ва таваккал хатарининг мақбул даражаси кўрсатилиши керак. Албатта молиявий мақсад қанчалик муҳим ва қанчалик кўп маблағ талаб қилса, таваккал хатари даражаси шунчалик паст бўлишига эришиш керак. Инвестицион режаларни ишлаб чиқишда солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар. Иқтисодий вазиятда содир бўлиши мумкин бўлган туб ўзгаришларни башорат қилиш керак бўлади.

Инвестиция мақсадлари деганда, инвестициялаштириш хоҳлаган йўналишда капитал сарфлашга жазм қилаётган инвесторнинг ўз олдига қўяётган молиявий вазифаларни тушунилади. Албатта мақсад воситани танлашга ёрдам беради.

Инвестициялаштирининг кенг тарқалган мақсадларини қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) Жорий даромадни кўпайтириш;
- 2) Келгуси даврларда кутилаётган йирик ҳаражатлар учун маблағ жамғариш;

Пенсия фондларига маблағ жамғариш;

Даромадни солиқлардан ҳимоялаш.

Албатта минтақавий инвестициялаштириш жараёнида юқоридаги мақсадларнинг биринчи икки гуруҳи асосий ўрин тутди.

Мақсад ва воситалар аниқлангандан кейин режа тузиш жараёни бошланади. Режа тузишда мутахассисларга таяниш зарур.

Агар уз технолог, маркетолог, иқтисодчи, моддий техник таъминот ва сотиш, меҳнатни ташкил этиш бўйича, шунингдек ҳар хил техник ихтисосга эга мутахассисларингиз, ҳуқуқий масалалар юзасидан консулотантингиз бўлса, режа тузиш ишини ўзингиз ҳам амалга ошира оласиз. Акс ҳолда Сиз консалтинг ёки инжиниринг фирмасига мурожаат этасиз. Аммо бундан у ердагилар лойиҳа ташаббускори бўлмиш сизнинг иштирокингизсиз бизнес-режани тайёрлаб, шундоққина олдингизга қўйишади деган хулоса чиқарманг.

Сиз режани ишлаб чиқишда энг фаол иштирокчи бўлишингиз шарт, чунки сиз ижод этган лойиҳага бошқа ҳеч ким манфаатдорлик билан ҳолисона ёндаша олмайди.

Турли вариантларни излаш ва режалаштириш жараёнида, Сизнинг янги лойиҳангизнинг муваффақиятига туғаноқ бўлувчи ҳолатларни назарда

тутиб, бизнес-режа бирор-бир тўсикдан ўтолмай қолиши мумкинлигини аниқлаганда яхшиси бир зум тўхтаб, уйланг; "Балки лойиҳанинг бутунлай чиппака чиқишидан кўра, амалий фаолликни тўхтатиб, ортиқча вақт ва маблағ кетишига чек қўйган маъқулдир"

Сиз лойиҳа ижодкори сифатида режани ишлаб чиқувчиларни кўпроқ лойиҳа ғояси ишлаб чиқиладиган даврда ўтказилган тадқиқотлар натижасида юзага келган ташқи ахборотдан хабардор қилиш учун кераксиз.

Режа таркиби ва уни деталлаштириш даражаси у тегишли бўлган лойиҳа ҳажми ва қамровига боғлиқ. Режа таркиби, шунингдек мўлжалланаётган сотиш бозори ҳажми, рақобатчилар мавжудлиги ва тузиладиган корхонанинг ўсиш истиқболига ҳам боғлиқ.

Ниҳоят, узоқ давом этган сермашаққат иш тугалланди. Режага сўнги нуқта қўйилди.

Бизнинг амалиётимизда шартнома тузишдан аввал, томонлар субъектининг режаси, айниқса, шу режанинг юраги ҳисобланган молиявий режани аудиторлик текширувидан ўтказмайдилар. Бу аксарият ҳолатларда нохуш оқибатларга олиб келмоқда. Бундан ташқари, режасини аудитдан ўтказиш услубияти ҳали ҳам ишлаб чиқилмаган ва расмий равишда тасдиқланмаган. Биз бу муоммони Муборак газни қайта ишлаш заводи аудит натижаларини таҳлилидан кўришимиз мумкин.

Бу муаммонинг амалий ечими қуйидаги босқичма-босқич ўтказиладиган олти та ишдан иборат бўлади;

1. Корхона томонидан тузилган режани аудит қилишнинг ахборот манбалари;

а) минтақа активлари ликвидлигини, яъни моддий ва бошқа активларнинг тезда пулга сотилиб, мажбуриятларни (қарзларни) коплаш имкониятларини аниқлаш;

б) минтақа ва унинг шериклари тўғрисида маълумот;

в) сотиш каналларини аудит қилиш натижалари;

г) режани таҳлил қилишни ташкил қилиш;

д) таъсис хужжатларни таҳлил қилиш;

е) режанинг йирик омилларга (ижтимоий, экологик, молиявий, ташки-иқтисодий) таъсирини экспертиза қилиш.

2. Корхона ижрочи, яъни сотувчининг бу тармоқ, соҳада аввал фаолият кўрсатганлиги, тажрибаси, маълум тармоқда ихтисослашганлиги, акцияларни даромадлиги, рақобатчи минтақаларнинг бу соҳадаги ўрни ва мавқеи қандай эканлигини таҳлил қилиш лозим. Шу билан бирга, аудит ўтказиш вақтида минтақа мавқеини аниқлашда қуйидаги меъзонларга эътиборни қаратиш лозим;

- сўнгги 12 ой мобайнидаги сотувларнинг динамикаси;
- ўтган йилларнинг фойдаси ёки зарарлари;
- ходимларнинг иш билан бандлик даражаси;
- корхонанинг эгалланган бозорлардаги ҳиссаси;
- қўлланилаётган технологияларнинг даражаси;
- ишлаб чиқариш қувватларининг жуғрофик жойлашуви.

3. Инвестициялар бўйича битим шартларини баҳолаш. Яъни таҳлил қилувчи инвестор қўйган маблағлар ўрнига қандай активлар кўринишидаги маблағлар ўз қайтимини кутмоқда. Бу муносабат молиявий-ҳуқуқий шаклда

қандай хужжатлаштирилади. Ўзаро мажбуриятлар ва ҳуқуқлар қандай ҳимоя қилинади? - деган масалалар ўрганилиши лозим.

4. Корхонанинг сўнгги ҳисобот давридаги ҳолати молиявий ҳисоботининг бош шакли-бухгалтерия баланси мустақил аудитор хулосаси билан тасдиқланган бўлса, инвестор томонидан тайинланган таҳлилчи-аудитор уни туртта стандарт орқали таҳлил қилиши лозим;

- ликвидлик даражасини аниқлаш;

- молиявий дастак мутаносиблиги, яъни узоқ муддатли қарзларнинг хусусий капиталга нисбати;

- соф қийматни ҳисоблаш. Масалан, минтақага унинг ташкил бўлишида қўйилган "Акциядорлик капитал" ва жамғарилган фойда-зарарлар биргаликда соф қиймат тушунчасини англатади.

- Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш. Инвестор томонидан тайинланган таҳлилчи-аудитор юқоридаги масалани ўрганиётганда, ўзидан аввалги аудиторнинг хулосаларидан фойдаланиши лозим. Асосий эътиборини (патентлар, лицензиялар, савдо белгилари, маркаларидан фойдаланиш ва фойда олиш) каби масалаларга қаратмоғи лозим. Чунки, бу каби капитал жамғариш реал баланс таркибини сохталаштириб кўрсатади. Яхшиси, мавжуд моддий активлар ҳолатини, яроқлигини ва самарадорлигини баҳолаган маъқул ҳисобланади.

5. Инвестиция олувчи минтақа раҳбариятининг қобилияти ва тажрибасига баҳо бериш.

Тажриба кўрсатмоқдаки, кўпчилик хорижий инвестицион компаниялар аксарият ҳолатларда бўлғуси шерикларидаги учта хислатларини ўрганадилар;

- ҳозирги менежерлар, таъсисчилар ва ижрочи директорларининг иш тажрибалари. Уларнинг бизнес соҳасидаги ютуқлари нималардан иборат.

- фирма ходимлари гуруҳ бўлиб ишлай оладиларми. Улар маркетинг, молия, менежмент соҳасидаги бир-бирларининг ўрнини алмаштира оладими?

- компания бош молиячиси қай даражада малакали ва ишончли?

6. Режанинг умумий таҳлили. Сўнги босқичда маркетинг, технологик патент, иқтисодий соҳаларда экспертизалар тайинланиши лозим. Бу албатта, тор доирадаги мутахассисларнинг малакали маслаҳатларини олишдан иборат бўлиб, у инвестицион лойиҳа режаларнинг мазмунига қараб тайинланади.

Инвестор томонидан режа аудит қилганда, эксперт аудитор ҳисобот ва хулоса тайёрлаб, буюртмачига топширади. Бу вазифани махсус бухгалтерлик ёки аудиторлик фирмаси амалга ошириш мумкин. Бироқ ҳозиргача Ўзбекистонда ҳали бирорта ҳам хўжалик субъекти сифатида фаолият кўрсатаётган бухгалтерлик фирмалари мавжуд эмас. Демак, бу масала бугунининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Корхонанинг бошқарув ходимлари нуқтаи назарида инвестицион лойиҳалар табақалашган бўлиб, у қуйидагича туркумланади;

- кутилаётган даромадлар типлари бўйича; ҳаражатларни қисқартириш; анъанавий ишлаб чиқариш ва технологияларни кенгайтириш ҳисобига қўшимча даромад олиш; янги бозорларни забт этиш; бизнеснинг

янги соҳаларини эгаллаш; ишлаб чиқариш ва сотиш пайтида хавф хатарни камайтириш; ижтимоий самара ва сифатига эришиш;

- ўзаро боғлиқлик муносабатлари бўйича; бунда иккита мустақил инвестицион лойиҳа таҳлил қилиниб, улардан биттаси танлаб олинади, у албатта муқобил бўлиб, даромад келтириши лозим;

- пул маблағлари оқимининг турлари бўйича; бир марталик ёки алмашувчи. Агар дастлабки инвестициядан сўнг пул маблағлари қолган базавий даврларда киритилмаган бўлса, у бир марталик дейилади. Агар пул оқимлари ҳар хил давомийликда киритилиб ёки сарфланиб турилса, у алмашувчан типдаги пул маблағлари оқими деб ҳисобланади.

Аудитор эксперт мустақил хулосаси асосида инвестицион компания лойиҳаларини молиялаштириш жараёнини учта қисмга бўлиб амалга оширади;

- режалаштириш; мақсадни шакллантириш, бозорни тадқиқ этиш ва мавжуд имкониятига эга лойиҳаларни солиштириб, чамалаб, вариантларни танлаб инвестиция портфелини шакллантириш,

- лойиҳани амалга ошириш; инвестициялаш фазаси (ишлаб чиқариш, таъминот, ҳаражатлар, молиялаштириш) лойиҳа оқибатларини тугатиш фазаси;

- баҳолаш ва таҳлил; инвестицион фаолият жараёнида инвестор ўз олдига қўйган вазифани ва ҳақиқатда эришган натижани доимо баҳолаб ва таҳлил қилиб боради.

1.3 Инвестицияларни лойиҳалаштиришда минтақа иқтисодий ресурсларининг ўрни

Умуман инвестиция бозорини мамлакат миқёсида иқтисодий ривожланишнинг юксалишига ва қисқа вақт ичида иқтисодий структуравий ўзгаришлар бўлишига ҳар томонлама таъсир этадиган омил деб қараш лозим.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда мустақилликка эришган бўлса, ҳозирги кунгача кўпгина завод ва фабрикаларни ишга тушиши бу билан республика ички ялпи маҳсулотларини кўпайтириб, иқтисодимизни барқарорлаштиришга илдам қадам ташланмоқда.

Бу эса Қашқадарё вилоятида сезиларли даражада амалга оширилмоқда Жумладан: Ғузор туманида Америка мамлакати билан ҳамкорликда фойдаланишга қурилаётган Кимё саноати мажмуаси, Қашқадарё вилоятидаги Кўк-думалок нефт конлари, Нефтни қайта ишлаш заводи, Қашқадарёда турклар ҳамкорлигида фойдаланишга топширилган КашТЭКС фабрикаси ва ҳокозо ишлаб чиқариш завод ва фабрикалар ўз маҳсулотларини нафақат Ўзбекистон республикасида, балки экспорт қилишлари мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодиётининг барқарорлашуvidан далолат беради.

И.А.Каримов "Биз қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратишимиз, ёшларни иш билан ва бошқа турдаги машғулотлар билан таъминлашимиз Ўзбекистон келажаги учун энг муҳим вазифалардан бирини бажариб борган бўламиз ва Ўзбекистонни буюк келажагига замин яратган бўламиз" - деганларидек ҳозир республика қудратли меҳнат салоҳиятига

эга. Меҳнат захиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 210-220 минг кишига кўпайиб бормоқда. Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш хўжалигида барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, энг аввало, саноатга ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиниши уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Шунинг учун ҳам ҳозир вилоятда ҳал қилинаётган энг долзарб муоммолардан бири ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш ҳисобланмайди, балки энг мақбул ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатдир. Вазифа республиканинг ҳар бир фуқоросига меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин танлаш учун чинакам имконият яратишдир.

И.А.Каримов - "Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу улкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аجدодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш-бизнинг фуқоролик бурчимиздир".

Ўзбекистон ҳукумати 2006 йил учун республика инвестиция дастурини тасдиқлади. Инвестиция фаолиятини кучайтириш хорижий сармояни кенг жалб этиш, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, мустаҳкам моддий техникавий базани яратиш, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Дастурни ишлаб чиқишда республика вазирликлари, идоралари уюшмалари, корпорациялар, концернлар ва компаниялар, Марказий банк иштирок этди. Дастурда молиялашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан, шу жумладан бюджет маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа тушумлар ҳисобдан солинадиган сармоялар ҳажмининг асосий параметрлари белгиланди. Мана шу дастурга амал қилган ҳолда Қашқадарё вилоятида солинадиган сармоялар 16760 млн. сўм миқдорида баҳоланди. Ижтимоий соҳада 150 минг кв. метр уй-жойни 540 минг кв. метрини яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ташкил этади. Шунингдек касалхоналар, поликлиникалар, мактаблар, лицейлар, коллежларни фойдаланишга топшириш 570 км.газ ва 2072 км. сув қувурларини топшириш режалаштирилмоқда.

Хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолатлайдиган кредитлар ҳисобидан 2006 йилга мўлжалланган аниқ инвестиция лойиҳалари дастури алоҳида тузилган. Унинг умумий суммаси 748,40 млн. АҚШ доллари бўлган 2 лойиҳа кирган бўлиб, шулардан тахминга кўра жорий йилда 3,50 млн. АҚШ долларини ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Дастурда вилоят ҳалқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари ва минтақалари ўз аксини топган. Салмоқли ҳалқаро молия ташкилотлари энг

йирик банк корпорациялари, инвестор ва кредитор бўлишади. Улар орасида Япония халқаро ҳамкорлик банклари, Коммерц банк (Германия), Чейз Манхэттен банк (АҚШ) бўлиб, улар Шўртангаз-кимё мажмуи қурилишига 618,22 млн. АҚШ долларлик маблағ соладилар. Шундан 2006 йилда 161,40 млн. АҚШ долларни сарфлаш режалаштирилган. 9 та инвестиция лойиҳаси 2006 йилнинг бошқа бир аниқ мўлжалли дастурига кирган бўлиб, бу дастур тўғридан тўғри инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилади. Уларнинг умумий сўммаси 761,27 млн. АҚШ долларини ташкил этади, шулардан 190,16 млн. АҚШ долларини шу йил ўзлаштириш назарда тутилмоқда. 142 лойиҳадан иборат устивор инвестиция таклифларининг жамлама руйхати алоҳида бўлимни ташкил этади. Бу лойиҳалар бўйича ҳозирги вақтда техникавий, иқтисодий асослар ишлаб чиқилмоқда, баъзилари эса тугалланди. Жами қилинадиган хорижий инвестицияларининг ва кредитларнинг ҳисоблаб чиқилган ҳажми 7007,83 млн. долларни ташкил этмоқда. Руйхатда халқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари, минтақалари киритилган. Ажратилган инвестиция таклифлари тендерларда иштирок этишлари қўшма корхоналар тузишлари, технологик ускуналарни етказиб бериш керак бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг инвестициявий дастурлар департаментида "Туркистон-пресс" МАА мухбирига маълум қилишларича ҳозирги дастурнинг янгилиги шундаки, у биринчи марта тармоқ мажмуалари бўйича ишлаб чиқилган. Инвестиция таклифларини умумлаштирувчи қисми анча кенгайтирилган. Агар илгари таклифларнинг техник иқтисодий асослари эркин шаклда тузилган бўлса, эндиликда ягона талаблар ишлаб чиқилган

бўлиб, бу талаблар доирисида молиялаш ва инвестиция дастури қатъий шаклда қабул қилинар эди, лойиҳаларда инвестициялар умумий суммасини кўпайтириш ёки камайитиришга йўл қўйилмас эди. Энди бунга йўл қўйилади.

Хукумат томонидан кафолатланадиган ҳамма лойиҳалар бўйича Республика Вазирлар маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган бўлиб, уларда хорижий инвесторлар ва кредиторлар қарз маблағларни тўлаш тартиби масъул ижрочилар белгилаб қўйилган. Умуман олганда лойиҳаларни янгилаш ва амалга оширишни узлуксиз механизми ишлаб чиқилган. Иқтисодиётнинг тармоқ тузилишини тубдан янгилаш, ёқилги-энергетика тармоқларини устун даражада ривожлантириш, минтақаларни ялпи ривожлантириш, қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириш катта миқдорда сармоя маблағлари ва чет эл инвестицияларини жалб этиш талаб этилмоқда.

2009-2010 йилларда Вилоятнинг иқтисодий ўсиши энг аввало иқтисодиётга солинаётган инвестиция маблағларини ўзлаштириш ҳажмларининг ошиши, замонавий технология ускуналари билан жиҳозланган, янги илғор корхоналарни қуриш ва ишга тушириш ҳисобига таъминланди. 2010 йилнинг ғоят муҳим устивор вазифаларидан бири инвестиция фаолиятини кучайтиришдан иборат бўлди.

Шу сабабли давлатимиз амалга ошираётган ислохотчилик стратегиясининг асосий йўналиши инвестиция базасини ривожлантириш, чуқурлаштириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Шу жумладан Қашқадарё вилояти бўйича ишлаб чиқариш техникаси базаси ҳолати ва корхоналарнинг 2010 йилдаги инвестиция фаолияти урнини 1.4- жадвалдан кўришимиз мумкин.

1.4-жадвал

Қашқадарё вилоятида иқтисодий ресурсларнинг ўрни

	Эскирган техника улуши баланс қийматига нисбатан	Машина ускуна бозор ва баланс қиймати ўртача нисб.мар	Солинган сармоялар ҳажмини баҳолаш, баланс кийм.нисб %	
			Ишлаб чиқаришга мўлжалланган	тиклаш қийматини ҳисобига
Текшириб чиқилган тармоқлар бўйича шу жумладан:	40.5	12.3	32.3	2.6
Рангли металлургия	65.6	16.5	30.9	1.9
Кимё ва нефт кимёси	36.2	13.1	106.1	8.1
Машинасозлик ва қайта иш	35.0	20.3	13.7	0.7
Қишлоқ хўжалигида	37.4	10.6	11.1	1.1
Қурилиш материаллари	38.4	7.0	25.7	3.7
Енгил саноат	35.1	5.4	38.5	7.1
Озик-овқат саноати	34.1	8.6	19.4	2.3
Ун-ёрма ва омухта ем	27.1	8.4	56.9	6.8

Манба : Қашқадарё вилоят истиқболстат маълумотлари

Текшириб чиқилган корхоналарда жисмонан ва маънан эскирганлиги туфайли алмаштиришни талаб қиладиган машина ва ускуналарнинг ўртача салмоғи улар умумий баланс қийматининг 40.5 фоизидан ошади. Шу жумладан, рангли металлургия корхоналарида 65,6

фоизни , машинасозликда 35.0 фоизни, енгил саноатда 35.1 фоизни ташкил қилади. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни яхшилаб техника жиҳатдан янгилашни талаб қилмайдиган бирорта тармоқ амалда йўқ.

Ишлаб чиқаришга мўлжалланган сармояни солиш ҳажми асосий ишлаб чиқариш фондлари баланс қийматининг ўрта ҳисобда 32,3 фоизини ташкил қилади. У кимё ва нефт кимёсида 106,1 фоиз, ун-ёрма омукта ем бўйича 56,9 фоиз ва енгил саноатда ўртача даражадан 38,5 фоиз юқори бўлди. Энг паст кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида 11,1 фоиз машинасозлик ва металлни қайта ишлашда 13,7 фоиз. Қолган тармоқларда улар 20-30 фоиз оралиғида ўзгариб турган.

Вилоятдаги мавжуд иқтисодий ресурслари ҳамда инвестиция соҳасидаги имкониятлари қанчалик ишга солинганлигини 1.5-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Қашқадарё вилоятида 2008-2011 йилларда молиялаш манбалари бўйича иқтисодий ресурслар таркиби (фоиз ҳисобида)

1.5-жадвал

	2008 й	2009 й	2010 й	2011 й
Сармоя маблағлари,	100	100	100	100
Давлат бюджети	37.5	37.0	29.5	27.0
Корхоналар ва аҳоли,	22.5	23.0	31.5	35.5
Амортизация	16.0	13.4	11.0	15.5

Банкларнинг кредитлари	14.1	9.6	8.4	8.3
Чет эл инвестициялари	9.9	17.0	19.6	19.7

Манба: Қашқадарё вилоят истиқболстат маълумотлари

2011 йилда сармоя маблағлари таркибида давлат бюджетининг улуши 27.0 фоиз даражада барқарорлашди, корхоналар маблағлари ва банк кредитларининг улуши пасайиб бормоқда, чет эл инвестицияларининг улуши эса ошмоқда.

Вилоятда асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш тамойилларини ва инвестиция ресурсларини шакллантиришни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, амортизация бу жараёнда асосий рол уйнаб, давлатни ва банк тизимини марказлаштирилган давлат сармоя маблағлари, чет эл қарзлари, инвестициялар ва банк тизими ҳамда банд бўлмаган институтлар узоқ муддатли кредитларнинг юкидан анча озод қилмоқда.

Вилоятда инвестиция механизми бир хил ишламайди. Бунини инвестиция фаоллиги юқори бўлган туманларда аниқ кўриш мумкин (1.6-жадвал)

Қарши шахри инвестиция фаолияти даражаси бўйича етакчи ўринда бўлган лиги учун капитал маблағларнинг манбалари ва уларнинг таркибий тузилишини таҳлил қилишга қизиқиш юқорилиги табиий ҳол.

Қашқадарё вилояти бўйича инвестиция фаоллиги (фоизда)

Туманлар	Жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажми	Бўлардан хорижий инвестициялар
Қарши ш.	242.6	9.3
Шаҳрисабз	113.0	3.1
Ғузор	114.6	5.1
Косон	125.6	0.4
Қамаши	55.7	1,4
Китоб	80.6	6.4
Нишон	42.6	0.3
Касби	31.5	0.8
Яккабоғ	26.8	2.1
Чироқчи	26.6	4.2
Муборак	28.0	2.3
Миришкор	38.1	4.0
Дехқонобод	25.3	1.8
Қарши т.	84.2	7.2

1.6-жадвалда келтирилган маълумотлардан бюджет таркибидан ажратилган инвестицияларнинг ўрни катталиги кўриниб турибди.

Агар 2010 йилда Қарши шаҳрида инвестицияларнинг асосий манбаи корхоналар ва аҳолининг хусусий маблағлари бўлиб, улар жами капитал қўйилмаларининг 242,6 фоизини ташкил этган бўлса, унинг 9,3 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади. Шундай қилиб, корхоналар ва аҳоли инвестиция маблағларининг таркибий-функционал ўрни деярли икки баравар қисқарган.

Шу вақтнинг ўзида бюджетдаги инвестицион маблағлар улуши капитал қўйилмалар таркибида 45 фоизга етиб, улар энг катта инвестиция манбаини ташкил этди. Бир вақтда хорижий инвестицияларнинг улуши 12 фоиздан 22 фоизга ўсди. Лекин бу ўсиш абсолют параметрларига нисбатан камроқ аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, инвестиция жараёнлари билан боғлиқ бўлган юқорида караб ўтилган масалалар услубий нуқтаи-назаридан ҳам маълум аҳамиятга эгадир. Чунки, корхонада жойлашган табиий ресурсларни ва ишлаб чиқарилаётган хом ашёларни тайёр истеъмол маҳсулоти даражасига келтириш билан боғлиқ инвестиция жараёнлари бўйича қарорлар қабул қилиш мураккаб динамик ҳолатларни ўз ичига камраб олади. Шунинг учун бу жараёнларни бошқариш ва тартибга солиб туриш учун корхонанинг маҳаллий инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш моделини ишлаб чиқиш ва у асосида масалалар ечиш мақсадга мувофиқдир.

II боб. Инвестиция жараёнини моделлаштириш ва алгоритмлаш мажмуини ишлаб чиқиш.

2.1. Инвестициялаш жараёнини моделлаштириш

Бозор муносабатларига ўтиш натижасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохатлар натижаси улароқ инфляция суръатлари ва иқтисодиётнинг пасайиш даражаси секинлашди, ҳатто баъзи тармоқларда барқарорликка эришилган бўлса, бошқаларида ривожланиш сари "қадам" қўйилди. Натижада инвестиция миқдорида ва таркибида ўзгаришлар пайдо бўлди, мамлакатимиз иқтисодига чет давлатлар инвестициялари ҳажми мустақилликнинг дастлабки йилларига нисбатан кўпайди.

Маълумки, инвестицияни амалга ошириш иқтисодиётни ривожлантиришга жуда катта таъсир этади. Агарда мустақилликнинг дастлабки йилларида (1991-1994 йилларида) инвестиция фаоллигини сусайиши содир бўлди. Бунда турли хил мулк шаклларида хос бўлган корхоналарнинг инвестиция манбалари бўйича ўзлаштирган маблағларнинг пасайиш суръати шу даврдаги иқтисодни сусайишидан 1,8 марта ошди. Ушбу ҳолат асосан молиявий ресурсларнинг миқдорини танқислиги сабабли рўй берди. Бу даврда собиқ иттифоқ республикалари ўртасидаги ишлаб чиқариш иқтисодий алоқалари узилганлиги сабабли, шу билан бирга бозор муносабатларига асосланган товар айрибошлаш тизимлари шаклланганлиги учун саноат тармоқлари халқ истемол товарларини эҳтиёжига мос ҳолда ишлаб чиқариш нуктаи назаридан номувофиқ

ривожланишга дуч келди. Бир пайтнинг ўзида истеъмолчиларнинг ҳарид этиш принципи пасайиб кетди. Натижасда узоқ муддатли инвестицияга маблағ ажратиш суръати сусайди. Чунки маблағларнинг айланиш сони нисбатан камайган эди. Худди шу шароитда иқтисодда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг параметрларини ёмонлашуви турли хил унга таъсир этувчи тадбирлар, яъни солиқ тизимининг мураккаблиги кредит фоизининг юқорилиги ва бюджетдан маблағ олишнинг оғирлиги сабабли содир бўлди. Бундан ташқари шу давр ичида иш ҳақи фондлари кўпайтирилди ва натижада ушбу тадбирлар ҳам инвестиция фаолиятининг миқёсини торайтирди.

Банклардан кредит олиш фоиз ставкалари юқори бўлганлиги ва корхоналарнинг иқтисодий аҳволи оғир бўлганлиги сабабли жуда мураккаб вазиятга дуч келди. Шу сабабли банклар учун узоқ муддатли кредитлар бериш мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Бундан ташқари, тижорат банклари учун ўрта муддатли кредитлар ҳам хавфли бўлди. Шу сабабли республикада ана шу даврда инвестиция маблағларини ажратиш пасайиб кетди. Фойдаланиладиган капитал маблағларнинг ўсиши билан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўртасида бир йил муддатлик вақтинчалик фарқ бўлиши иқтисодни ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, ялпи ички маҳсулотни 1996 йилда Ўзбекистонда 1,5 % ўстириш учун капитал маблағни 1995 йилда олдинги йилларга нисбатан 170 % ўсиши керак бўлди. Ялпи ички маҳсулот бунчалик кам бўлишига қарамасдан республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг ижобий натижаси бўлди. Хулоса қилиб айтганда

инвестиция мунтазам ўсиб бораверса ва шу билан бирга бўлардан унумли фойдаланилса, иқтисодни барқарор ривожланиши учун ҳар томонлама асос яратилади. Инвестицияга бўлган талабни аниқлаш учун, инвестицияланадиган объектларни муҳимлиги ва маблағ талаб этиши нуқтаи назаридан туркум (синф)ларга ажратиб олиш керак. Инвестиция жараёни эса амалга ошириладиган инвестициянинг ижтимоий ва иқтисодий самараларининг турли хил вариантларини ўзаро таққослаб ва баҳолаб, маблағ ажратиш ҳақида қарор қабул қилишни тақозо этади. Маҳлумки, республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг инвестиция жараёнлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Собиў иттифоқ пайтида содир бўлган маъмурий буйруқбозлик асосида ва объектларни устиворлигини, самарадорлигини тўлиқ инобатга олмасдан, ҳар бир корхонанинг ўзига хос жиҳатларини ва миллатларнинг менталитети билан ҳисоблашмасдан, хатто инсонлар истиқомат этувчи жойларнинг атроф муҳитига зарар етказувчи объектлар қуриш учун маблағлар кўпинча ажратилар эди. Республикамизда ҳозирги пайтда инвестиция жараёнлари асосан ҳалқимизнинг истеъмол товарларига ва ижтимоий объектларга бўлган талабларини республика ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига таъминлаш ресурсларни тежашни ва импортни ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни таъминловчи техника ва технологияларни сотиб олишни ўз ичига олади. Инвестиция жараёнларини математик ҳолда ифодалашда амалиётда қўйидаги услублар қўлланилиши мумкин:

- 1) иқтисодий статистик:
- 2) оптемаллаштириш:

3) имитацион моделлаштириш.

Биринчи услуб қўлланилганда инвестиция бўйича кўп йиллик ўтмишдаги ахборотлар бир неча моделлар асосида қайта-қайта ҳисобланади ва моделнинг параметрларини қийматлари аниқланиб ўрнига қўйилса, фойдаланиш мумкин бўлган модел яратилади. Ушбу моделлар инвестиция ҳажми билан, албатта манбалари бўйича, инвестициялашдан кўрилатган натижа ўртасидаги боғланиш қонуниятларини ифода этади. Шундай тарзда яратилган моделдан фойдаланиб ва модел параметрларини прогноз этилатган даврдаги қиймати қўйилиб келажакда манбалар бўйича инвестиция қийматларини маълум миқдорида инвестиция жараёнидан олинган самара аниқланади.

Иккинчи усул қўлланилганда ечилиши лозим бўлган масала қуйидагича ифодаланиши мумкин. Ишлаб чиқариш натижасига бўлган талаб аниқ бўлганда ва инвестиция меъёри алоҳида ресурсларни бир-бирлигига сарфланиши аниқ бўлса инвестиция ҳажмини ҳисоблаш керак ва уларнинг мумкин бўлган барча вариантлари орасидан энг оптималини танлаб олинади.

Учунчи усул фойдаланилганда инвестиция жараёнларини ифодаловчи кўрсаткичларни бошланғич ахборотлар асосида ва шу билан бирга кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни инобатга олувчи математик муносабатларни акс эттирувчи моделлар яратилади.

Иқтисодий - математик масалаларни ечиш натижасида инвестиция маблағларига ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш минтақаларнинг айрим соҳалари ва уларнинг бутун

мажмуи бўйича аниқланиши мумкин. Бунда масала икки блокдан иборат бўлади. Ҳар иккала блок ҳам бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган бўлади. Бунда биринчи блок натижаси сифатида ишлаб чиқариш объектларининг инвестицияга бўлган талаби аниқланса, иккинчи блок орқали эса социал объектларни инвестицияга бўлган эҳтиёжи ҳисобланиб топилади.

Инвестиция жараёнларини ифодалавчи кўрсаткичларни асослаш учун баъзи ҳолларда уларни нисбатан тавсилый равишда моделлаштириш зарур бўлади. Буни амалга ошириш учун биргаликда ҳаракат қилувчи ИЧИМ ва ИСИМ лар бир-бирининг таркибий қисми деб қараш керак. Юқорида айтилган моделларни ўзаро муносабатларини ва бирга фаолият кўрсатиш жараёнини ифода этиш учун ИЧИМ ва ИСИМларининг улчови эмас, балки таркибий элементлари муҳим аҳамиятга эга. Инвестиция ҳажмини прогноз қилишда республикамизнинг устивор тармоқларининг минтақалар нуктаи - назаридан қараш керак. Жумладан, жаҳон бозорида у ёки бу тармоқни ўз сигментига эга бўлиши, айниқса жаҳон бозорининг жиддий синовларига жавоб берувчи ҳалқ истеъмол товарларини сифат жиҳатидан навларга ажратиш, ўраш, қадоқлаш ва уларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб беришни таъминловчи технологик жараёнларни ҳарид этиш ва ўрнатишларни инвестициялаштириш устивор аҳамиятга эга.

Озиқ-овқат ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган хом-ашёларни қайта ишловчи техника ва технологияни ҳарид этиш учун чет эл инвестициясини жалб қилиш, қўшма корхоналарни барпо этиш орқали

жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришишга кўпроқ аҳамият бериш лозим.

Инвестиция жараёнларини ифодалашда иқтисодий – статистик ёки оптимизацион усуллар фойдаланилса, у ҳолда ушбу масалаларни ечиш учун амалий программалар пакети ва чизикли программалаштириш каби стандарт пакетлардан фойдаланилади.

Инвестиция жараёнларини моделлаштиришда, юқорида эътибор берилган бўлса, моделлаштиришга хос тамойилдан фойдаланилди. Бу тамойилни жорий этишда катта ўлчовли процедурани ҳал этишда кўпинча фойдаланилади. Бунда процедура таҳлил қилинади ва масалаларни ечилиши хусусиятларига қараб бир неча модулларга ажратилади.

Ушбу услубий ёндашув инвестициялаштириш жараёнларини масалаларини ечишда минтақа даражасида жуда асқотади. Агарда масалаларни таҳлил қилиш пайтида катта ўлчовли масалалар билан бирга кичик ўлчовли масалалар ҳам учраб қолса, у ҳолда уларни катта ўлчовли масалалар таркибига киритиб ечиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, мумкин бўлган инвестиция жараёнларини тўплашда қарор қабул қиливчи шахс (КККШ) томонидан мақбулини танлаш ҳамда ҳар бир ҳисоблаш процедураси тугагандан сўнг амалга оширилади. Шунинг учун инвестиция жараёнларини моделлаштиришда ҳар бир алоҳида масалани ечганда уларни натижасини таҳлил этиш керак. Агар лозим бўлса фойдаланиладиган бошлангич ёки оралик ахборотларга тузатишлар киритиш лозим.

2.2. Корхонанинг маҳаллий инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш моделини яратиш

Бир неча йиллардан буён республикаимиз, қолаверса вилоятимиз иқтисодиётида “Косон ёғ-экстракция” очик акциянерлик жамиятининг ўрни бекиёсдир. Буни корхонада ишлаб чиқарилаётган ҳалқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган озиқ-овқат саноати молларини ишлаб чиқаришда кўришимиз мумкин. Сўнги йилларда “Косон ёғ-экстракция” ОАЖда ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантириш бўйича қўшимча тадбирлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги “ 2012-2015 йилларда Республика озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва бошқарувини ташкил этишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида” ги ПК-1633 сонли қарорига асосан “Косон ёғ-экстракция” ОАЖда 2012 йил январ-март ойларида бир-қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ишлаб чиқариш қуввати 50 Тн/сутка бўлагн 1.5 летр ҳажмдаги ПЭТ идишларга ёғ қадоқлаш линияси ҳамда, 70 Тн/суткасига доғлаш линиялари Хитой Ҳалқ Республикасидан 300 минг АҚШ долларига China Xinjiang “Alkanat” Import export Trade Co. LTD компанияси билан №9, №11 24.12.2010 йилда тузилган шартномага асосан 2012 йилнинг январ ойида харид қилиниб, ускуналар 100 фоиз келтирилган. Ҳозирги кунда қуввати 50 Тн/сутка бўлган 1.5 летр ҳажмдаги қадоқлаш линияси бўйича корхонада мавжуд бўлган 2 летр ПЭТ идишларга қадоқлаш цехи ўрнида Қарши шаҳридаги “Аъзам капитал таъмирлаш-қурилиш

корхонаси” билан 45 млн сўмга 24.01.2012 йилда №1/52X шартнома имзоланиб бинони таъмирлаш ишлари 70 фоизга бажарилди. Шунингдек “Озиқ-овқат саноат лойиҳа” институти билан 70 Тн/суткасига доғлаш линияси лойиҳа-смета ҳужжатлари учун 31.01.2012 йилда №12/09 билан 30 млн сўмга шартнома имзоланиб, Ҳозирги кунда линияларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Режада кўрсатилган Механотрон-электрон тарозиларни ўрнатиб ишга тушириш учун Украина Республикасининг “Механотрон” ишлаб чиқариш ташкилоти билан 05.01.2012 йилда №20/94-1га асосан 78 минг АҚШ доллариға 6 дона тарозилар учун шартнома имзоланди, ҳамда суткасиға 10Тн маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эға бўлган хом ёғ кислоталари (СЖК) ишлаб чиқариш цехини қуриб ишға тушириш учун Қарши шаҳридағи “Лойиҳа-конструкция” маркази билан лойиҳа смета ҳужжатларига шартнома имзоланмоқда.

Буғ таъминоти цехида № 1 ва № 2 қозонлар тўлиқ таъмирланиб 73.500млн сўм сарфланди.

Буғ таъминоти цехига газ сарфини ўлчаш учун PRO маркали " Алфа Пилот" газ ҳисоблагич 24,750 млн сўмға келтириб ўрнатилди.

1 литр ҳажмдағи ПЭТ идишларға ёғ қадоқлаш цехига 6,375млн сўмға ПЭТ идишлар тайёрлаш ускунаси келтириб ўрнатилди.

2 литр ҳажмдағи ПЭТ идишларға ёғ қадоқлаш цехига 31,875 млн сўмға ПЭТ идишлар тайёрлаш ускунаси ўрнатилди.

Темир йўл бўлимидағи ТГМ-23 В тепловози қайта таъмирланиб 24,7 млн сўм сарфланди.

Ишлаб чиқариш қуввати 50 тн/сутка бўлган 1,5 литр ҳажмдаги кадоқлаш линияси ҳамда 70 тн/суткасига доғлаш линияларини ўрнатиб ишга тушириш учун 530млн сўм сарфланди.

Линияларни ўрнатиб ишга тушириш 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилади. Шунингдек, режада кўрсатилган форпресс, экстракция цехларини модернизация қилиш (щелушители, сепараторлар, вальцовкалар, пресс ва қозонларни алмаштириш) ишлари 2012 -2013 йиллар давомида амалга ошириш кўзда тутилган.

2.1-жадвал

«Косон ёғ-экстракция» ОАЖда 2012 йилда режалаштирилган янги техника ва технологияни жорий қилиш бўйича

Т/р	Белгиланган тадбир номи	Молиялаштириш манбаи	Маблағ (млн.сўм)	Бажариш муддати
1	Қуввати 50тн/сут бўлган 1,5 л ҳажмдаги кадоқлаш линиясини ўрнатиш	Ўз маблағи	200,0	I-чорак 2012 й
2	Қуввати 70тн/сут бўлган усимлик ёғини доғлаш линиясини ўрнатиш	Ўз маблағи	300,0	II-чорак 2012 й
3	Хом ашёни ўлчаш учун 4дона ва шелухани ўлчаш учун 2 дона мехонотрон-электрон тарозилар ўрнатиш	Ўз маблағи	150,0	II-III чорак 2012 й
4	БИЧ цехининг форпресс бўлимидаги пресс ва жаровняларни алмаштириш	Ўз маблағи	800,0	III-IV чорак 2012

Оптимизация моделларидан ва услубларидан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики матрицада ифода этилган иқтисодий техник коэффициентларни ва мақсад функциядаги кўрсаткичларни алоҳида қийматларида масала ечилса, унинг натижаси ҳар доим ҳам амалиётда қўлланиладиган даражада бўлавермайди. Шунинг учун корхонанинг маҳаллий инвестиция ресурсларидан фойдаланиш усуллари бир-неча вариантларда ифода этилади. Бунда корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ифода этувчи таркиби инвестиция қилинадиган манбалар бўйича ресурслар ва инвестициянинг самарадорлигини аниқловчи режа кўрсаткичлари орқали аниқланади. Инвестиция жараёнлари эса ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар бўйича бир бирлик маҳсулот олиш учун сарфланадиган сармоянинг миқдори тегишли меъёрий маълумотнома асосида аниқланади. Бунда ҳар бир йил миқёсида инвестиция ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш учун сармоянинг мўлжалланган умумий миқдорини ва ўтган даврда унинг ўзлаштирилган қисмини аниқ билишимиз керак.

Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларини ифода этиш ишлаб чиқариш соҳаларини сармоя билан таъминлашдан тубдан фарқ қилади. Чунки, ишлаб чиқариш соҳасида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини келажакда маҳсулотлар етказиб бериш орқали ифодалаш мумкин. Ижтимоий соҳада эса инвестиция жараёнларининг натижаси ижтимоий инфратузилмани яратиш орқали намоён бўлади. Умуман олганда инвестиция - миллий иқтисодиётнинг энг асосий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган инвестиция, биринчидан кенгайтирилган, такрор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга

ноу-хау орқали ва янги иш ўринлари барпо этиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари" асарида "Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохатларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади". Миллий ислохатларга қадар минтақалараро ва тармоқлараро мутаносибликнинг бузилиши ва ишлаб чиқариш алоқаларини узилиши натижасида инвестиция соҳасида ҳам инқироз юз берди. Инвестиция сиёсати эса марказдан туриб республикаларнинг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан режали иқтисодиёт тамойиллари орқали амалга оширилар эди. У пайтда инвестицияга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш омиллари аксарият ҳолларда эътибордан четда қолар эди. Кўп ҳолларда инвестиция бўйича қарорлар қабул қилиш субъектив фикрларга асосланар эди. Оқибатда юз бериши лозим бўлган воқеа 1991 йилда амалга ошди. Шу йилга келиб макро ва микроиқтисодиёт миқёсидаги инвестиция миқдори сезиларли даражада камайди. Бундан ташқари аксарият қурилиш материалларини ва бошқа инвестиция сарфланадиган товарлар ва хизматларни нархи ошиб кетди. Оқибатда қурилиш ва бошқа сармоя талаб этиладиган объектларни ва соҳаларни фойдалилик даражаси ҳам камайиб кетди. Юқоридаги омилларнинг таъсири натижасида ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни қуриш ва фойдаланишга топшириш дастурларини бажариш чўзилиб кетди. Буни бартараф этишга маълум

мақсадни кўзлаб ажратилган инвестиция ҳам ўз вақтида ўзлаштирилмади. Бу борадаги маълумотларни таҳлили шуни кўрсатадики, мақсадли тамойил бўйича 1990 йилда ажратилган маблағнинг 50 % ни, 1991 йилда 39 % ни ва 1992 йилда эса 25 % ни ташкил этади. Режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш шароитида инвестиция соҳаси қийин аҳволга тушиб қолган бўлсада, тез орада бу йўналишдаги камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилинди. Буларнинг барчасини айрим корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижаларини баҳолаш ва унга таъсир этувчи омилларнинг қийматларини аниқлашни тақазо этади. Ушбу тадбирларнинг барчаси республикаимиз иқтисодини бозор муносабатларига ўтишини ўзига хос йўналишидан, унинг барқарорлигини таъминлаш заруратидан ва уларни аҳоли турмуш даражасига таъсирини кўтаришга бўлган аҳамиятидан келиб чиқмоғи керак.

Республикаимиз инқироздан чиқиш мақсадида 1993 йилдан эътиборан инвестицион жараёнларни такомиллаштириш, капитал сармояларнинг самарадорлигини ошириш ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгартиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди. Ушбу ишланмалар ҳукумат томонидан қабўл қилинган қарорларда, Президент Фармонларида ва Олий Мажлис қонунларида ўз аксини топди. Уларда инвестиция жараёнларининг асосий тамойиллари, капитал қурилишнинг параметрларини шаклланиш жиҳатлари, унинг ташкилий томонларини қайта кўриб чиқиш ва шартномавий асосга ўтказиш чора тадбирлари кўрсатиб берилган. Агар биз

ташкилий омилларни олиб қарайдиган бўлсак, бу соҳада турли хил вазирликлар, бош бошқармалар, бошқармалар ва идоралар вазифалари янги шароитга мослаштирилди ва уларнинг номлари ҳам ўзгартирилди. Натижада корпорациялар, концернлар, хиссадорлик жамиятлари, уюшмалар ва турли хил бошқа шаклдаги ташкилотлар тузилди. Ушбу ташкилотлар инвестиция жараёнини тартибга солиб туриш ва бозор тамойиллари асосида сармоялардан фойдаланишни янги жиҳатларини очиб берди. Инвестиция жараёнларини амалга оширувчи соҳаларнинг, ташкилотларнинг бошқарув тузилмаларини ўзгартириш, унинг самарадорлигини пасайиб кетишини олдини олади ва бошқа катор ташкилий иқтисодий омилларни эътибордан четда қолдирмайди. Бундан ташқари инвестицияларнинг умумий миқдорида ҳар хил мулкчилик шаклига асосланган корхоналарни улуши кўпайди. Яъни 1990 йилда республика бўйича умумий инвестиция миқдорида корхоналар маблағларининг улуши 40%дан камини, 1993 йилда эса 60% ни, ҳозирги пайтда эса 80% ни ташкил этмоқда. Оқибатда инвестиция жараёнлари жадаллашди ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришига таъсири ортди.

Мамлакатимизда амал қилаётган дастурий мақсадли инвестиция сиёсати ва инвестиция жараёнларини амалга ошириш муваффақияти ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан ва уларни ўзлаштириш даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Агарда 2010 йилда республикадаги барча турдаги инвестицияларнинг ҳажми 6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 60% , яъни 3,6 млрд. АҚШ доллари ички манбаларга тўғри келади.

Инвестиция соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш унга таркибий ўзгартиришлар киритиш ва сармояларни муайян объектларда фойдаланишни тақозо этади. Инвестиция самарадорлигини ошириш бозор иқтисоди шароитида иқтисодиётни ривожланиш ва тарақиёт фазасига олиб чиқиш билан боғлиқдир. Бундан ташқари ушбу вазифаларни ҳал этиш, бозор муносабатларининг механизмларидан инвестиция жараёнларида давлат томонидан тартибга солиб туриш тамойилларидан фойдаланилади.

Чет эл инвестицияси билан ишлайдиган корхоналарни мужассамлаштириувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- 1) ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси:
- 2) ижтимоий инфратузилмани ривожланганлик даражаси:
- 3) миллий пул бирлигимиз - сўмни чет эл валюталарига конвертация қилиш имконияти.

Албатта республикаimizни барча минтақалари замонавий бозор инфратузилмасини шакллантиришда чет эл инвестициясини жалб этишнинг ушбу шартларини бажариш имкониятига эга эмас. Шунинг учун аксарият ҳолларда қўшма корхоналар ташкил этиш ёки маҳаллий инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Минтақаларнинг ички сармоявий ресурслари орасида энг асосийларидан бири амортизацион чегирмалар ҳисобланади.

Агарда унинг ҳажми кам бўлса у ҳолда амортизацион чегирмаларни кўпайтириш ҳисобига инвестиция ҳажмини ошириш мумкин бўлади:

яъни бунда:

- 1) амортизация меъёрини қайта кўриб чиқиш керак;
- 2) асосий фондларни ўз вақтида қайта баҳолаш зарур.

Умуман олганда ялпи инвестициялар икки қисмдан иборат бўлади:

- 1) амортизацион чегирмалар;
- 2) соф капитал маблағлар.

Ҳар бир объектнинг хусусиятларини тадқиқотларни натижалари объектни фаолият жараёни кўринишида бажарилиш тартиби шаклида ифодаланади. Объектнинг ўзини ёки унинг баъзи қисмларини ташқи муҳитнинг турли таъсири остида вақтга нисбатан фаолият кўрсатиш жараёнларини сўз орқали ифодаловчи мазмуни масалани математик кўринишда ёзадиган дастлабки ахборотларни ўзида мужассамлаштирган бўлади. Объектнинг мавжудлик жараёни ва ифода этишнинг мос элементларини бажариш тартибини таклиф этаётган босқичлари қуйидаги 2.2-жадвалда келитирилган.

Масаланинг қўйилиши: "Инвестиция ибораси бир нечта маънога эга. У молиявий натижа олиш мақсадида акция ва давлат заёми сотиб олишни; айрим товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун фойдаланадиган мавжуд активларни кўзда тутди. Кенг маънода эса инвестиция мамлакат иқтисодини ривожлантириш ва ўстиришни молиялаштириш учун зарур бўлган тизим билан таъминлайди. Инвестициянинг миқдори корхонада амалга ошириладиган қурилиш монтаж ишлари ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ молиявий қўйилмаларга боғлиқдир.

Амалиётда минтақаларда ижтимоий иқтисодий тараққиётни, аҳолини иш жойи билан таъминлаш ер ости ва ер усти бойликларидан самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар учун инвестиция амалга оширилади. инвестиция усуллари турли туман бўлади. Шулардан корхонанинг маҳаллий инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

2.2-жадвал

Инвестициявий объектнинг фаолият жараёнини бажарилишининг тартибини тузишнинг процедураси

Босқич	Сценария мазмуни	Босқични амалга ошириш натижаси ифодалаш элементи
1	2	3
1	Объект ва дастур тушунчаларининг таърифи, объектларга киритиладиган ва чиқариладиган ахборотларни синфларга ажратиш ва таҳлили	Объектнинг колоник модели, кириш ва чиқиш ахборотларини синфларга ажратиш ва рўйхати
2	Объектнинг ва унинг алоҳида қисмларини таркибини ўрганиш	объектнинг иерархик модели. Инвестициявий объектнинг ички тузилмавий модели
3	Объект қисмлари бўйича таъсир этувчи параметрларни жойлаштириб чизиш. Кичик-ички объект қисмларини ифодалаш	Объектнинг ҳар-бир қисмлари учун каноник моделлар ишлаб чиқиш, уларни айрим қисмларини ифодаловчи параметрларини аниқлаш
4	Тадқиқот олиб борилаётган объектда содир бўлаётган оддий жарёнларни ажратиб чиқармоқ	Яратиладиган моделнинг оддий жараёнлари рўйхати

5	Ташқи муҳитни мумкин бўлган ҳолатларида у билан объектнинг айрим қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалаш	Процедура ва ахборот модели, объект томонидан ечиладиган масалаларнинг функционал модели
---	---	--

Маҳаллий инвестициянинг ҳажми у ёки бу объект учун чет эл сармояси ва марказий молиялаштириш миқдорларига қараб шаклланади.

Инвестициялаш қаралаётган жараёни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағни ҳаракатдаги қонуний меъёрий ҳужжатлар асосида инвесторлар ўртасида тақсимлайди ва корхонанинг умумий сармоёдаги улуши аниқланади. Бунда инвестициялар ўртасида маълум мутаносиблик мавжуд бўлади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий математик масalani қуйидагича ифодалаш мумкин: чет эл ва марказий сармояларни инобатга олган ҳолда корхонанинг маҳаллий инвестиция ресурсларидан шундай фойдаланилсинки, оқибатда қўйилма энг кўп молиявий натижа келтирсин. Ушбу масalani ечиш натижасида, минтақа қайси объект учун қанча миқдорда инвестицияни амалга ошириш ва ундан қандай фойдаланиш зарурлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради. Инвестицияни оптималлигини баҳолаш танлаб олинган ва асосланган меъзонга нисбатан амалга оширилади. Бунда мақсад функция $f(x)$ экстремал қийматга эришувчи X_{jk} ўзгарувчиларнинг қийматини топиш талаб этилади; Яъни

$$f(x) = \sum_{k=1}^K \sum_{j=1}^J C_{jk} X_{jk} \rightarrow \max$$

қуйидаги чегаравий шартларни инобатга олган ҳолда :

1) k -инчи объектда мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан
фойдаланиш бўйича шарт

$$\sum_{j=1}^J a_{ijk} X_{jk} \leq b_{ik} \quad (i \in J_1)$$

2) инвестицион жараённинг таркибига бўлган талабга риоя қилиш
бўйича муносиблик

$$\sum_{j=1}^j X_{ijk} - \sum_{j=1}^J P_{ijk} X_{jk} = 0 \quad (i \in J_2) \quad (i \in J_2)$$

3) K- кичик объектда i- чи турдаги инвестицияни шаклланиши ва
фойдаланиш бўйича шарт.

$$\sum_{j=1}^{J_1} \bar{a}_{ijk} X_{jk} + \sum_{j=1}^{J_2} a_{ijk} X_{jk} \leq 0 \quad (i \in J_3)$$

4) ҳар бир объектда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини
ҳисоблаш бўйича шарт.

$$\sum_{j=1}^J v_{ijk} X_{jk} - \overline{X_{jk}} = 0 \quad (i \in J_4)$$

5) барча объектлар бўйича i-чи турдаги маҳсулотни кафолатланган
ҳажмини ишлаб чиқариш бўйича шарт.

$$\sum_{R=1}^K \sum_{j=1}^{J_3} q_{ijk} X_{jk} \geq Q_i \quad (i \in J_5)$$

6) инвестицияларни тақсимлаш бўйича шарт.

$$\sum_{k=1}^K \sum_{j=1}^{J_4} \omega_{ijk} X_{jk} \leq E_i \quad (i \in J_6)$$

7) ўзгарувчан миқдорларни мусбат бўлиши бўйича шарт.

$$X_{jk} \geq 0 \quad (\overline{X_{ik}} \geq 0)$$

Ушбу математик миқдорни ишлаб чиқишда қуйидаги шартли белгилардан фойдаланилди: j -ўзгарувчилар индекси, i -чегаравий шартлар индекси, K -объектлар номери, X_{jk} - k -инчи объект учун j -инчи ўзгарувчини қиймати, X_{ik} - k -инчи объект учун i -инчи ўзгарувчини ҳисобланган қиймати, G_{jk} - оптималлик меъзонига мос келувчи j -инчи ўзгарувчининг k -объект бўйича баҳоси, Q_{ijk} - k -инчи объектда j -инчи ўзгарувчининг бир-бирлигига мос келувчи i -инчи турдаги ресурсни сарфланадиган миёри, Q_{ijk} - k -инчи объект учун j -инчи ўзгарувчининг бир бирлиги ҳисобига i -инчи турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш миёри, B_{ik} - k -инчи объектни i -инчи ресурсини миқдори, P_{ijk} - k -инчи объектда j -инчи турдаги инвестицияни i -инчи усул бўйича улуши, q_{ijk} - k -инчи объект учун j -инчи ўзгарувчининг бир бирлиги ҳисобига j -турдаги товар маҳсулотни чиқиш коэффициенти, V_{ijk} - k -инчи объектда j -инчи ўзгарувчининг бир бирлиги бўйича i -инчи иқтисодий самарадорлик кўрсаткичининг қиймати, Q_i -минтақанинг барча объектлари

бўйича i -инчи турдаги маҳсулотни кафолатланган ҳажмини ишлаб чиқариш қиймати, W_{ijk} -инвестиция миқдорини k -объект учун ифодаладиган j -инчи ўзгарувчининг коэффициенти, E_i -корхонанинг i -турдаги маҳаллий инвестиция ҳажми, J_1 -ҳар бир объект учун масалага киритиладиган ўзгарувчилар тўплами, J_2 - J_6 - k -инчи объект инвестициянинг турларини тўплами, J_1 - J_4 -инвестиция сарфланадиган объектлар ва соҳалар тўплами.

2.3. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициялаш жараёнини бошқаришни такомиллаштириш йўллари.

Инвестициялаш жараёни ҳар доим ижобий даромад олиш мақсадида амалга оширилади. Ушбу даромад ўзаро мантқан боғланган қатор тадбиркорликни бажариш натижасида даромад олишни кўзда тутди ва шунинг учун ҳам муҳим иқтисодий аҳамиятга эгадир. Умуман олганда иқтисодиётни мўътадил фаолият кўрсатиши ва ривожланиши давлатни, юридик ва жисмоний шахсларни пайтда шаклланган пул маблағларига бўлган талабларини молиялаштириш учун уларнинг ҳарактерини қандай даражада таъминлашга боғлиқдир.

Бўш пул маблағи инвестиция бўлиб ҳисобланмайди, чунки у ҳеч қандай даромад келтирмайди, аксинча инфляция натижасида қадрсизланиши мумкин. Агарда мавжуд пулни банкдаги жамғарма ҳисобига қўйилса у ҳолда инвестиция жараёни содир бўлади ва маҳлум миқдорда даромад олинади. Амалиётда маблағларни лойиҳалаштиришнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, улар акция ва опционлар қўзғалмас мулк ва

қимматли қоғозлар, қарз мажбуриятлари, кам ёки кўп таваккал, бевосита ва билвосита каби омиллар билан бир-биридан ўзаро фарқ қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу омилларни инобатга олиб инвестиция жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш бевосита молиялаштиришни фойда олиш нуқтаи - назаридан баҳолаш ва ушбу жараёнларда эконометрик ва статистик услубларни қўллашдан иборат. Ушбу такомиллаштириш тадбирлари қайси йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ? Бунинг учун энг аввало молиявий институтларнинг, яъни банк ва ссуда жамғарувчи уюшмалардан иборат ташкилотларнинг вазифалари асосан қўйилмаларни қабул қилиб олади ва молиявий маблағларни (пулларни) кредитга беради, тадбиркорларни инвестиция маблағлари билан таъминлайди. Бунда эса молия бозорини аҳамияти катта бўлиб, у молиявий ресурсларни таклиф этувчилар билан унга эҳтиёж сезувчиларни битим тузиш мақсадида фонд биржаларида бирлаштиради.

Амалиётда молиявий бозорни бир неча турлари мавжуд: акциялар бозори; заёмлар бозори; окционерлар бозори ва ҳоказалар. Ушбу бозорларнинг умумий жиҳати шундан иборатки ҳар қандай пайтда молиявий воситаларнинг баҳоси талаб ва таклифнинг мувозанат нуқтасида бўлади. Агарда даромад, таваккалчилик, инфляция ҳақида қўшимча ахборот олинса, у ҳолда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг нисбатини ўзгариши, янги мувозанатни ёки янги бозор баҳосини келтириб чиқаради.

Қуйидаги схемада инвестицион жараёнларнинг амалга ошириш схемаси кўрсатилган. Схемадан кўриниб турибдики пул ресурсини эгаси унинг истеъмолчиларга молия муассасалари орқали ёки молия бозори орқали тўғридан – тўғри фойдаланишга тушириш мумкин. Молия институти молия бозори ишида эҳтиёж томонидан кам, таклиф томонидан ҳам қатнашиши мумкин.

Расмдан кўриниб турибдики молиявий муассасалар молия бозори билан икки томонлама боғланган бўлади. Бундан ташқари инвестицияни таклиф этувчилар билан уни истеъмол этувчилар ўртасидаги бевосита битимлар амалга оширилиши мумкин. Инвестицияларни таклиф этувчилар бундан ташқари молиявий муассасалар билан ва молиявий бозор билан чамбарчас боғланган. Истеъмолчиларнинг инвестицион миқдори фақатгина уни таклиф этувчилар билан бевосита алоқаси орқалигина аниқланмайди, балки молиявий муассасалар ва молия бозори орқали ҳам аниқланиши мумкин.



2-расм. Инвестициялаштириш жараёни

Инвестициялаш жараёнини бошқаришдаги услубларни такомиллаштиришда ушбу воқеада иштирок этувчиларини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бўлар давлат бюджети ҳисобидан, давлат компаниялари, хусусий шахслар ва чет эл инвесторлари. Бунга мос келувчи инвесторлар икки тоифада бўлади: Институционал инвесторлар ва индивидуал инвесторлар. Юқоридаги такомиллаштириш усуллари нуқтаи - назаридан қарасак институционал инвесторлар асосан бегоналарни пулларини бошқариш билан шуғулланади. Бундан уларок, индивидуал инвесторлар ўзларининг шахсий пулларини молиявий манфаат олиш мақсадида йўналтирадилар.

Инвестиция жараёнини бошқариш учун инвестициялаштириш қонуниятларини чуқур таҳлил этиш керак. Аниқланган қоидаларни математик моделларини ва алгоритмларининг мажмуини ишлаб чиқариш, ҳамда унинг компьютер дастурини яратиш шу билан бирга уларни инвестициялаштириш жараёнида қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Компьютер дастурлари инвестицияга бўлган талаб, фойдаланиш ва уларни ўртасидаги балансни ифода этади ҳамда бошқариш жараёнларини акс эттиради.

Инвестицион жараёнларни бошқаришда институционал ва шахсий инвесторларнинг барчаси қатнашади ва яратилган моделлар ва алгоритмлар мажмуи асосида ишлаб чиқарилган дастурлар таъминоти барча инвесторлар тоифалари ва даражалари учун фойдаланиши мумкин. Ушбу дастурлар мажмуи қуйидаги бошқарув масалаларини ўзида

муҳассамлаштиради. Бунда энг аввало инвестициялаштириш мақсади ва ундан келиб чиқадиган молиявий масалалар аниқланади.

Бундай ҳолатда шунга аҳамият бериш керакки, амалга оширилаётган инвестициядан келадиган маблағ талабни кондириш учун етарли бўлиши ва бўлмаслиги мумкин. Агарда етарли бўлмаса, у ҳолда инвестор яна қўшимча инвестиция дастурини ишлаб чиқиши керак. Ҳозирги пайтда республикаимизда фуқаролар томонидан амалга оширилган банклардаги қўйилмалардан ва сотиб олинган акциялардан олинадиган даромадлар соликка тортилмайди.


Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициялаштириш жараёнини бошқариш усуллариини такомиллаштириш учун мавжуд бўлиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий вазиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Шунини таъкидлаш лозимки, инвестициялашнинг энг асосий қоидаларидан бири пул маблағини сарфлайдиган соҳани аниқлашдан иборатдир. Унинг иккинчи асосий жиҳати маблағни сарфлаш фурсатини тўғри танлашга боғлиқдир. Биринчи масалани ҳал этиш даромад ва таваккалчиликнинг оқибатидан келиб чиқадиган натижаларни ҳамда барча ўзаро бир-бирини инкор этувчи инвестициялаштириш вариантларини ўзаро таққослаш орқали амалга оширилади.

Инвестициялаштириш фурсатини танлаш анча мураккаб масала бўлиб, у оддий масалалардан бозордаги туб ўзгаришларнинг содир бўлишини кутиш билан боғлиқдир. Гап шундаки, инвестиция жараёнларини бошқаришда энг тажрибали чет эл инвесторлари ҳам,

хукумат экспертлари ҳам содир бўлиши мумкин бўлган бозордаги туб ўзгаришларни етарли аниқликда олдиндан айтиб беролмайди. Чунки ушбу ўзгаришлар қатор субъектив ва объектив омилларга боғлиқ бўлиб, уларни натижавий кўрсаткичларини шаклланишига таъсирини олдиндан аниқ билиш анча мураккаб. Инвестициялаш жараёнини бошқаришни такомиллаштиришнинг яна бир йўналиши уларни амалга ошириш босқичларидаги технолоқ атамалларда турли хил тоифадаги иқтисодий математик усулларни акс эттириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун бизнинг республикамизда инвестициялаштириш жараёнини бошқариш, уларни давлат томонидан тартибга солиб туриш орқали амалга оширилмоқда. Ушбу вазифани ҳал этишга давлат аҳамиятига эга бўлган объектлар ва соҳалар минтақаларнинг табиий ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда устивор тадбирлар кўламига киритилади. Бизнинг учун энг аввало бозорнинг жорий ҳолатини назорат қилишнинг, яъни бозор муайян пайтда юксалиш ёки пасайиш жараёнини бошидан кечираётганини аниқлашимиз керак. Бундан ташқари агарда инвестициялаштириш жараёнларини бошқарувчиларнинг қўлида мавжуд бозор йўналишининг ўзгариши фурсатини нисбатан тўғри аниқлайдиган восита бўлса ушбу тадбирнинг самараси янада юқори бўлур эди. Амалиётда мавжуд бозор уч хил вазиятда бўлиши мумкин:

- 1) ривожланаётган бозор;
- 2) пасайиб бораётган бозор;
- 3) бозор тараққиётининг йўналиши аниқмас бўлиши мумкин.

Юқорида таъкидланган иқтисодий даврларнинг турли хил босқичларини график кўринишида қуйидагича ифодаланиши мумкин.



3-расм. Иқтисодий даврларнинг турли ҳил босқичлари

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, бозор шароитида юксалиш, кенгайиш, қисқариш ва пасайиш каби иқтисодий даврларни содир бўлиши муқаррар. Аммо юксалиш ва пасайиш каби босқичларни давом этиш муддати мавхумлигича қолади. Шунинг учун ушбу муддатлар билан боғлиқ ахборотларни ноаниқ маълумотлар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция жараёнларини бошқаришда бозорнинг ривожланиш йўналиши кўп ҳолларда аниқ бўлмайди. Бундай ҳолатда инвестиция учун мўлжалланган маблағни вақтинча бошқа мақсадларда даромад келадиган соҳаларда фойдаланиш зарур. У ёки бу бозордаги вазият ўз изига тушиб кетганидан сўнг маблағни вақтинча фойдаланилаётган жойдан олиб инвестициялаштирилиаётган объектга қўйилма сифатида фойдаланилади. Шунини таъкидлаш жоизки, иқтисодий даврларнинг юксалиш ва пасайиш босқичларида қарор қабул қилувчилар сармояларни қайси

йўналиш бўйича ва қандай усулда фойдаланганлигига қараб ўз муносабатларини бошқариш қарори қабул қилиш орқали билдирадилар.

Инвестициялаштириш мавжуд активларни ташкил этиш ёки ривожлантириш учун асосан амалга оширилади. Ушбу жараёни амалдаги активларни, яъни қўзғалмас мулкларга бўлган қўйилмалар кўринишида ифодалаш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки тураржой биноларининг қиймати ҳам истеъмол баҳоларини индексини ҳисоблашда инобатга олинади. Бунда баҳолар ошиши натижасида мавжуд активларнинг ривожланишига қўйилган инвестицияларнинг ҳам даромади ошади.

Агар биз портфелни умумий мақсадга эришиш учун фойдаланиладиган инвестициялаштириш воситалар тўплами эканлигини кўзда тутсак у ҳолда ушбу жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш йўллари сифатида қаралиётган портфелга киритиш учун танланаётган инвестициялаштириш воситаларини таҳлил этиш билан чимбарчас боғлиқдир. Портфелни тўғри тўлдириш даромад ва таваккалчиликдан олинadиган натижаларни тўғри муносабатини ўрнатувчи математик моделларга ва уни реализация этувчи ахборот ва дастурий таъминотларга асосланади. Бундан ташқари такомиллаштириш йўллари портфелли бошқариш тамойилларини тўғри англаш ва унга риоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда икки хил портфел бўлади:

1) ривожланишга мўлжалланган портфел бўлиб унга кирувчи активларни узоқ муддатдаги йўналишларни инобатга олган ҳолда қийматини ўсишини истиқболи аниқланади;

2) даромадга мўлжалланган портфел бўлиб, жорий дивиденд ва фоизлар тўлови улар учун муҳим аҳамиятга эга.

Портфелни самарали бошқаришнинг иккита муҳим ғояси мавжуд бўлиб улар диверсификациянинг самарасиз ва самарали портфел концепцияларидан иборат. Инвестициялаштириш жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш портфел таркибига чамбарчас боғлиқдир. Бунда инвестициялаштириш жараёнларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш ва таваккалчилик натижасида содир бўладиган йўқотишларни миқдорини қисқартириш мақсадида турли хил хусусиятларга эга бўлган инвестициялаштириш воситаларидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициялаштириш жараёнларини бошқаришни услубларини такомиллаштириш портфелни бошқаришга бўлган одатий ёндашувларни ва замонавий портфел назарияларини ўзаро таққослаш ҳамда уларни ўзаро бир-бирига қарама - қарши қўйиш билан боғлиқдир. Инвестициялаштиришнинг одатий ёндашувлари ҳамма учун мумкин бўлган қимматли қўғозлар бозори барпо бўлгандан бери фойдаланилиб келаётган молиявий бошқарувлар усулларига асосланади. Шунини таъкидлаш лозимки, гарчи замонавий портфел назарияси ҳозирги пайтда ривожланиб ва оммавийлашиб бораётган бўлсада аммо у ҳозирги одатий ёндашув амалиётчилар томонидан кенг фойдаланилмаётир.

Портфелли бошқарувни одатий ёндашувлари мутаносибланган портфел ғоясига асосланади. Шу мақсадда портфел таркибига турли хил

молиявий воситалар киритилади. Уларни танлаш мақсадида одатий портфел шароитида таҳлил қилиш усулларида ва воситаларида фойдаланилади.

Одатий ёндашувларни афзал кўрувчи менеджерлар барқарор корхоналарга ва тармоқларга инвестиция сарфлашни қуйидаги сабабларга кўра маъқул кўришади: 1) ҳозирги барқарор корхоналар ва соҳалар келажакда ҳам сердаромадлигича қолади деган фараз; 2) йирик соҳалар ва корхоналарнинг қимматли қоғозлари ҳам етарли даражада кўп бўлади. Шунинг учун катта портфелларни бошқарувчи менеджерлар узларида мавжуд бўлган катта миқдордаги маблағларига кўп қимматли қоғозлар сотиб олиш имкониятига эга бўладилар; 3) инвестиция жараёнларини бошқаришда мижозларни маблағлар сарфлашига ишонтира олиш имконияти катта бўлади. Эътиборни шунга қаратиш лозимки, портфелни стратегиясини асослаш учун замонавий портфел назарияси миқёсида қатор асосий статистик кўрсаткичлар фойдаланилади. Ана шундай кўрсаткичлардан бири - бу стандарт фарқнинг квадрати бўлиб, у муайян шароитда активларнинг даромад дисперсияси кўринишида намоён бўлади. Иккинчиси бозор ва қимматли қоғозлар ялпи фойдасининг корелациясидир. Юқорида зикр этилган фикрларни ва қоидаларни амалга ошириш учун иқтисодни бозор муносабатларига ўтиш шароитида инвестицион жараёнларни самарадорлигини ошириш йўллари асослаш ва қўшимча резервларни очиш мақсадида инвестиция тизимининг ахборот таъминотини ва компьютер дастурларини яратиш устида батафсил тўхташ жоиздир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бу инвестицияларни молиялаштириш соҳасида давлатимизда тузилмавий қайта реструктуризациялаш борасида

муаммоларнинг мавжудлиги. Ушбу муаммони ечишда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бир қатор амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Хорижлик инвесторлар учун бир қатор ҳуқуқий ва сиёсий-иқтисодий имтиёзлар белгиланган. Жумладан: давлат кафолати, яъни ушбу корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳеч қандай лицензиясиз ва тўсиқсиз олиб чиқиб кетиш, хориж инвестициялари иштирокида фаолият юритаётган корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни ва технологияни янгилаш учун қайта инвестицияланадиган қисмини солиқ тўлашдан озод қилиш, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнига, шу жумладан, уларга кенг доирадаги кўчмас мулкни сотиш ва хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 100 фоизга қадар миқдорини сотиб олишларига эркин киришини таъминлашдан иборат бўлган имтиёзлардир.

III боб. Иқтисодиёт етакчи тармоқларини реконструкция қилиш жараёнларида марказлашган инвестициялар самарадорлигини оширишни такомиллаштириш

3.1.Иқтисодиётни модернизациялаштириш ва реконструкциялаш жараёнларида марказлашган инвестициялар самарадорлигини оширишда хориж тажрибаси

Ҳар қандай маданиятли давлатда бўлгани каби, келгусида инвестицияларни молиялаштиришни такомиллаштириш мақсадида биз ўз стратегик манфаатларимизни ва хорижий мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибасини ҳисобга олишимиз керак. Давлат томонидан кафолатланган хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ички жамғарманинг етмаслигини қисман қоплашга, давлат ташқи қарзини кўпайтирмаган ҳолда маълум миқдорда энг янги ускуналар ва технологияларни олишга, аҳолининг иш билан бандлигини ва бюджетга тушумларни кўпайтиришга имкон беради.

Республикамизда инвестиция соҳасида амалга оширалаётган чоратadbирлар инвестиция соҳасида қонунчилик билан рағбатлантиришлар яратилиши, мамлакатимизнинг жаҳон тажрибасига назар ташлаб уларни ривожланишини таҳлил қилиш самарасидир.

Бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири дунёнинг етакчи давлатлари инвестиция фаолиятларини чуқур таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси инвестиция соҳасида самарали тadbирлар дастурини ишлаб чиқиш ва шу орқали иқтисодиётимизни ривожлантиришимиздан иборатдир.

Мамлакатлар иқтисодиётининг ҳом-ашё мослашган тармоқларига бевосита хорижий инвестициялар ҳажми пасайди, ҳолбуки, хизматлар секторида катта ўсиш кузатилмоқда. Бу ўзгаришларни ҳам фирмаларнинг жуғрофий ўрнидаги афзалликлар ва рақобат соҳасидаги афзалликлари

Ўзгарганини ҳам, шунингдек, ривожланиб бораётган глобаллашиш ва эркинлашиш шароитига мослашаётганлигини акс эттиради.

Технологиялар ҳаракати ҳалқаро ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнамоқда. Инвестиция билан боғлиқ товарларда гавдаланган ҳамда чет элдаги корхоналарга экспорт қилинаётган технологиялар ўша экспорт ҳажми билан ўлчанади. Шартнома битимлари бўйича берилган технологиялар тўловлар ҳажми ва улар билан боғлиқ пул ўтказмалари ҳажми сифатида ўлчанади. Ўқитиш орқали берилган технологиялар ўқитишга сарфланган маблағлар қиймати билан ўлчанади. 80- йиллар ўрталаридан бошлаб мамлакатлар ўртасидаги лицензион тўловлар шаклидаги технологик тўловлар ва ўтказмалар (роялти) беқарор кўпайиб борди. Фирмаларнинг ички тўловларида (бош фирма билан чет элдаги фирмалар ўртасида) тегишли ҳаражатлар улуши ҳам юқори бўлиб, кўпайишида давом этмоқда. Бу ўзгаришлар шунингдек, акс эттирадики, бевосита хорижий инвестициялар технология жиҳатидан интенсив фаолият турлари билан маҳкам боғланган ва технологиявий активлар рақобатбардошлигини қўллаб қувватлаш учун тобора муҳим бўлиб бормоқда. Ўсишнинг катта қисми ривожланган мамлакатларга тўғри келади. Уларда лицензия тўловлари ва тушумлар бевосита хорижий инвестицияларга қараганда тезроқ кўпаймоқда. 2011 йилда бу мамлакатлар ҳиссасига тўловларнинг 88 фоизи ва лицензия тўловлари ҳалқаро оқимларидан тушумларининг 98 фоизи тўғри келади.

Ҳалқаро ишлаб чиқариш кўшимча янги иш жойларини ташкил этилишга сабаб бўлди. Бу эса, ишсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда жуда муҳимдир. Охириги йилларда, умуман, иш ўринлари сони ўзгармаётган бўлишига қарамай, чет эллардаги фирмаларда иш билан бандлик ўсиб бормоқда. Шунга қарамай чет элларда иш жойлари яратишга асосий иш ҳақида қилинадиган ҳаражатлар улушларида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатларининг улуши жами ҳаражатларнинг бор йўғи 2 фоизини ташкил қилади ҳолос.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг молиявий базаси чет эллардаги филиаллар активларида акс этади. Бундай активлар ривожланган мамлакатларда жамғарилган бевосита хорижий инвестициялардан тўрт баробар кўпдир. Бироқ ривожланаётган мамлакатлар учун чет эллардаги филиаллар активлари жамғарилган бевосита хорижий инвестициялардан анча юқори.

Ривожланган мамлакатлар орасида Янги Зелландия энг кўп трансмиллийлашиш даражасига, Япония эса кам даражага эга. Ривожланаётган мамлакатлар орасида Тринидад ва Тобаго етакчи, рейтинг охирида эса Корея Республикаси туради.

Булар назарий жиҳатдан турли минтақаларда турлича намоён бўлмоқда. Чунки жаҳон иқтисодиётига ҳам бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Бундай омиллар қаторига Осий мамлакатлари ва Россиядаги молиявий инқироз, бу инқирозларнинг Лотин Америкаси мамлакатлари учун оқибатлари, жаҳон конъюктурасининг пасайиб кетиши, банклар берадиган кредитларнинг ва портфель инвестицияларининг қисқариши ҳамда хусусийлаштириш жараёнларининг заифлашуви кабилар киради. Лекин шунга қарамай инвестицион жараёнлар бугунги кунда юқори ўсиш суръатини сақлаб қолмоқда. Дунё бўйича бевосита хорижий инвестиция оқимларини турли мамлакатлар компанияларининг қўшилиши ва бир-бирини ютиш жараёни натижасида янада фаоллаштирмоқда. Шундай қилиб, мулк ҳуқуқини оддий бир жойдан иккинчи жойга кўчириш воситасида ишлаб чиқариш қувватларига катта қўшимча қўшилиш пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда ҳолбуки, ривожланаётган мамлакатларда вазият турлича бўлмоқда. Масалан, Лотин Америкасида ва Кариб хавзаси мамлакатларида бевосита хорижий инвестициялар миқдори олдинги даврга қараганда бирмунча ўсди.

2009 йилда Осиёдаги молиявий инқирозга қарамай, Лотин Америкаси ва Кариб хавзаси мамлакатларига 71 млрд АҚШ долларидан кўпроқ бевосита хорижий инвестициялар киритилди. Бу эса олдинги

йилдагидан беш фоиз кўп демакдир. Бу минтақада бевосита хорижий инвестициялар олувчи асосий мамлакат Бразилия бўлиб қолмоқда(28 млрд АҚШ доллари). Ушбу мамлакатларга бевосита хорижий инвестициялар кириб келишига хизмат кўрсатиш ва давлатнинг саноат тармоқларидаги хусусийлаштириш жараёни сабаб бўлди. Бу мамлакатларга инвестициялар оқиб киришини инвестиция бозорининг катталиги ҳам ўзига жалб этади. Кўриб чиқиладиган мамлакатларда бевосита хорижий инвестициялар маҳаллий бозорга хизмат кўрсатувчи хизматлар ва ишлаб чиқариш секторларига солинадиганлиги туфайли уларнинг тўлов балансига таъсири, айниқса, кучли. Масалан, Бразилияда фойда ва дивидендларни олиб чиқиб кетиш 2009 йилда 18 фоиз ўсиб 7,7 млрд АҚШ долларига етди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг қарор топишига олиб борадиган устивор йўналишлар инвестициялаш, уларни ўзлаштириш меъёрини ошириш, технология ресурслари ва малакали кадрларни сафарбар этиш, жаҳон бозорларида миллий экспортнинг рақобатбардошлигини ошириш, максимал миқдорда иш жойлари яратиш орқали иқтисодий ўсишни келтириб чиқарадиган фойдани тақсимлаш, бунда табиий бойликлардан тежаб тергаб фойдаланиш ва экология муҳитини ҳимоя қилиш йўли билан барқарор ўсишга эришишни ўз ичига олади.

Янги глобал шароитларда ҳалқаро рақобат мамлакатларни қўйилган мақсадларига эришиш учун иқтисодиётни тинимсиз янгилаб боришига мажбур қилмоқда. Бу янги шароитлар технология билимлари жадал ривожланиши ва иқтисодий маконнинг торайиши билан ажралиб туради.

Янги шароитларнинг муҳим жиҳати инвесторларнинг ҳаракатчан активларини жойлаштириш учун энг яхши жойларни топиш мақсадида дунё мамлакатлари бўйлаб қай тарзда қайта тақсимлашларидан иборатдир. Бунда активлар кетидан корпоратив бошқариш вазифаларининг ўзи ҳам кўпинча кўчади, ишлаб чиқариш маркетингнинг интеграциялашувини чуқурлаштирди. Натижада, инвесторлар учун зарур бўлган ҳаракатсиз активларни тақдим этиш қобилияти бевосита хорижий инвестицияларни

жалб этиш стратегияси ва умуман рақобатбардошликни ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳати бўлади. Бозорнинг катталиги инвесторлар учун асосий рағбатлантирувчи омил бўлиб қолаверган бир пайтда ҳалқаро стандартдаги инфратузилмага, таълим олган ишчи кучига, инновация ресурсларига, энг яхши товар етказиб берувчиларга, қўллаб-қувватлаш ва сервис тузилмаларига борган сари кўпроқ муҳтож бўлади. Бўлардан ташқари, арзон ишчи кучи омилининг аҳамияти камаяди. Ушбу омил узоқ муддатли иқтисодий ўсишга ёрдам беради, деб ҳам ҳисоблаб бўлмайди. Чунки, даромадлар кўпайиб борган сари унинг кучи ўз-ўзидан қисқаради. Бу мулоҳазалар табиий ресурслар омилига ҳам тегишли.

Ҳукумат тузилмаларининг инвестиция жараёнига аралашиши бозор иқтисодиётида бўлиши мумкин бўлган икки гуруҳ камчиликлар ўрнини тўлдириши керак. Биринчи гуруҳга инвестиция жараёнидаги ахборот ва уйғунлаштириш билан боғлиқ муаммолар киради. Бу ҳол самарасиз инвестицияларнинг жалб этилишига сабаб бўлиши мумкин. Бозор механизми шароитида йўл қўйиладиган иккинчи гуруҳ камчиликлар миллий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадлари билан хорижий инвестицияларнинг бир-бирига мос келмаслигига асосланади.

Бошқача айтганда, ҳоҳлаган мамлакат учун ҳамма вақт яроқли бўладиган бирдек самарали идеал рецепт йўқ.

Бевосита давлат кафолати асосидаги хорижий инвестициялар бир қатор ресурсларни ўз ичига олади, улардан фойдаланишдан келадиган ютуқларга муайян сиёсий чораларни амалга ошириш орқали эришиши мумкин бўлиб, бу ҳам маҳаллий корхоналарни ривожлантиришда содир бўладиган салбий самараларни камайитириши мумкин.

Барча мамлакатлар ҳукуматларининг вазифаларидан бири маҳаллий корхоналарни адолатсиз ҳалқаро рақобатдан ҳимоя қилишдир. Шу сабабли, хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсатини олиб боришда ушбу ҳолат ҳисобга олинади.

Протекционизм сиёсатига бир қатор "тарафдор" ва "қарши" томонлар бор. "Тарафдор" бўлишнинг энг кучли далили янги, энди пайдо бўлиб келаётган тармоқни ҳимоя қилиш зарурлигидан иборатдир. Бирок шундай ҳолатда ҳам ҳимоя чораларини кўриш керакки, уларни ташкил этиш масалаларни ҳал қилишга эҳтиёткорлик билан ва пухта ўйлаб ёндошиш зарур.

Учта шарт ҳимоя чораларининг зарурлигини кучайтиради. Биринчидан, агар янги тармоқнинг маҳаллий корхоналари "етимча" ва чет эл рақобатидан ҳимояланиш шароитидаги тўлиқ рақобатбардош бўлишга қодир бўлсалар. Иккинчидан, агар етилиш жараёнида узоқ вақт зарур бўлмаса ва учинчидан, агар ҳимоя шартлари ҳалқаро рақобатдан келадиган ютуқларга қараганда каттароқ ижтимоий ютуқлар берса.

Бевосита давлат кафолати асосидаги хорижий инвестицияларнинг ўсиш тамойиллари инвестиция қабул қилувчи мамлакатларга таъсир кўрсатади ва давлат тузилмаларидан тегишли кўникмаларга эга бўлишни ва сиёсат юритишни, шунингдек, музоқаралар олиб бориш, тартибга солиш режимини шакллантириш қобилиятини ва тегишли сиёсий чораларни амалга оширишни талаб қилади.

Гап йирик лойиҳалар, шу жумладан, хусусийлаштириш билан боғлиқ лойиҳалар ҳақида борганда, бериладиган имтиёзлар, грантлар хусусидаги шартномалар умумий қабул қилинган қоидалар асосида эмас, балки ҳар бир ходиса учун алоҳида олиб борилганда музоқаралар олиб бориш қобилияти олдинги ўринлардан бирига чиқиб қолади.

Кўрсаткичлар лойиҳалар умумий қийматининг йил мобайнида тугаллаш режалаштирилган лойиҳалар қийматига нисбатан ҳисобланади.

Пировардида шуни айтмоқчимизки, ҳозирги жаҳон иқтисодиёти бири-бири билан жуда мустаҳкам боғланиб кетган алоқалар тугунига ўхшайди. Унда ташкил этиш, коммуникация ва ишлаб чиқаришнинг ҳилма-ҳил усулларида фойдаланилади ва у мунтазам ўзгариб турмоқда. Айни вақтда, сўнгги ўттиз йил мамлакатларнинг рақобатлашиш ва ривожланиш

қобилиятлари ўртасидаги фарқлар ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Шунингдек, фақат бозорнинг ўзигина узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаб бера олмаслиги ҳам равшан бўлди. Бу ишда ҳукуматлар сиёсати жуда катта роль ўйнайди. Лекин бу роль чексиз протекционизм тўсиқларини ўрнатиш доирасидан чиқиб кетадиган аралашишдан иборат бўлмаслиги керак. Ақсинча, ҳукуматларнинг ўзи зиддиятлар ҳал қилинишидан ва ошқоралик шароитида очилаётган истиқболлар рўёбга чиқишдан манфаатдор бўлишлари керак. Фақат шундагина бевосита хорижий инвестициялар узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Давлат томонидан қафолатланган хорижий сармояни импорт қилувчи мамлакатлар одатда қуйидаги сабабларга кўра инвестицияларни жалб этишдан манфаатдор бўладилар: мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини молиялаш учун маблағларнинг умумий етишмаслиги, аҳоли иш билан бандлиги даражасини ошириш зарурлиги, тўлов баланси тақчиллигини бартараф қилиш ва бошқалар.

Битимларнинг қатнашчилари бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузган ёки ҳалқаро ташкилотларга қўшилган вақтларда кўпинча хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга кириб келишни имкони борица эркинлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида хорижий сармоя қўйиш у ёки бу тарзда чегараланади. Гарчи унинг учун миллий режим белгилаб қўйилган бўлсада, давлат унинг кириб келишини бошқариб, монополияга қарши қонунлар қўлланиши йўли билан ва бошқа воситалар билан иқтисодиётнинг айрим соҳаларига хорижий сармоя солишини чеклаб қўяди. Хорижий сармояни жалб қилишдан манфаатдор бўлиш, унинг учун қулай шароит яратиш, миллий режим эълон қилиш билан бирга хорижий сармоянинг фаолиятини бошқариш муҳим бўлиб, қонунсиз бойишига йўл қўймаслик, хорижий сармояни айрим ишлаб — чиқариш тармоқларига

қўйишини рағбатлантириш ва бошқа тармоқларга тадбиқ этишни чеклаш зарур.

Бевосита давлат кафолати асосидаги хорижий сармоя кириб келишини кенгайтириш чораларини кўрган вақтда, энг аввало миллий иқтисодий хавфсизлик манфаатларини кўзлаб, уни бошқариш соҳасидаги маълум чора – тадбирлар ҳақида ҳам ўйлаш керак. Хорижий сармояларни миллий иқтисодиётда бутун соҳаларни эгаллаб олиши миллий ишлаб-чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, соф иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий ва сиёсий жиҳатлардан ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мамлакат мудофаасини ҳам унутмаслик керак. Хорижий сармоянинг табиий ресурсларидан назоратсиз фойдаланишига, экологик вазиятни кескинлаштиришига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳаммамизга маълумдир.

Назарий жиҳатдан олганда, хорижий сармоянинг, яъни давлат томонидан кафолатланган сармоянинг кўплаб кириб келиши муносабати билан Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигига туғиладиган хавфнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам кўриб чиқишлари зарур бўлади. Бироқ, бундан ушбу минтақаларга хорижий сармоя кириб келишига тўсқинлик қилиши керак, деган маъно чиқмайди. Аммо доимо, миллий марказлашган сармоя фаоллиги юқори бўлиши ва у ҳукмрон мавқеини сақлаб қолишини ҳамда давлат томонидан белгиланган доираларга жалб этилишини шарт қилиб қўяди.

Ўзбекистон учун ҳаётий зарур бўлган хорижий инвестициялардан ҳимояланиш эмас, балки муқаррар жараённинг қўшимча салбий оқибатларини бартараф этиш ва инвестиция механизмини хавфсизлик тизими билан таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлиги назарда тутиш зарурлигини кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Ҳозирги кунда, ҳукуматимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган пухта ва оқилона сиёсати туфайлигина хорижий сармоялар иқтисодиётимизнинг қайта тикланишига ва Ўзбекистоннинг ҳалқаро меҳнат

тақсимотиға фаол қўшилишиға сабаб бўлиб, юқорида таъкидланган нохушликларға тўсиқ қўймоқда.

Глобаллашиш кучайиши туфайли бутун дунё бўйлаб қисқа муддатларда капитал, ишлаб чиқариш, товарлар, интеллектуал салоҳият, меҳнат ресурслари, ахборотлар ва бошқаларнинг кўчиш жараёни жадаллашади. Шунинг учун ҳам, миллий иқтисод соҳиблари ўз инвестиция сиёсатини юритишда бу вазиятларни ҳисобга олиши зарур бўлади. Глобаллашиш ишлаб чиқаришнинг кўчишиға ва унинг оқибатида йўлдан чиққан ишлаб чиқариш натижасида маҳаллий даражада юзага келган мураккаб иқтисодий вазиятларнинг (ишсизлик, бюджетга солиқ тушумларининг камайиши) олдини олишға оз бўлсада имкон яратиши мумкин. Охир оқибат, глобаллашиш молия операцияларининг эркинлашувига, ҳалқаро меҳнат тақсимотиға, миллатлараро корпорацияларнинг пайдо бўлишиға, ҳалқаро рақобатнинг кучайишиға олиб келади. Ва ниҳоят шуни таъкидлашимиз лозимки, глобаллашиш ва жаҳон бўйича инвестицияларнинг ўсиш тенденциялари шароитларида рақобат соҳасидаги сиёсатни ёлғиз миллий иқтисодиёт доирасида самарали олиб бориб бўлмайди.

3.2. Ўзбекистон ҳудудларида марказлашган инвестициялар самарадорлигини ошириш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари

Шундай қилиб, давлат томонидан кафолатланган хориж инвестицияларини ишлаб чиқаришға киритиш бир маъноли эмас. Бир томондан, бу ишлаб чиқаришни жадаллаштиришға ёрдам беради, айрим тармоқларни ривожланишини рағбатлантиради, илғор технология, бошқариш ва ташкилотчилик тажрибаларини олиб киради. Шу билан бирга, кескин иқтисодий диспропорцияларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий тўқнашувларни келтириб чиқариши, маҳаллий тадбиркорликни ривожлантиришға тўсқинлик

қилиши ҳам мумкин. Шу сабабли хориж инвестицияларини жалб этишда давлат томонидан қабул қилинган вазмин қарорлар асосида иш юритиш зарурдир.

Глобаллашув шароитларида юқори ривожланган инфратузилма, транспорт ва алоқа сектори бевосита хорижий инвестициялар учун жуда мафтункор тармоқ ҳисобланади. Бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун кучайиб бораётган рақобат инвестициялар киритиш эҳтимоли бўлган мамлакатдаги қулай инвестиция муҳити муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг келажакда ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига имконияти юқори бўлиб, буни амалга ошириш учун стратегик жиҳатдан тўғри аниқланган мақсад асосида устувор инвестицион вазифалар белгиланиши, кучли тузилмавий инвестицион сиёсат олиб борилиши керак. Саноат ишлаб чиқаришининг озиқ-овқат ва енгил саноат, қимматбаҳо металлларни қайта ишлаш, гидроэнергетика тармоқларини ривожлантириш, мамлакат ҳамда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларнинг дунё бозорида рақобатбардошлигини ошириш давлатнинг структуравий инвестицион сиёсатида марказий ўринни эгаллаши лозим.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий қайта қуриш тубдан янгилашни, мавжуд техника-жиҳозлар паркини алмаштиришни, янги технологиялар сотиб олишни, юқори малакали кадрлар тайёрлашни, илғор тажрибаларни жалб қилишни талаб этади. Давлат кафолати асосидаги инвестицияларни жалб қилиш вақтдан ютиш, чет эл капиталидан кенг миқёсда ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятини яратади. Чет эл капиталини жалб қилишни кенгайтириш масаласини ҳал қилишда, бизнинг назаримизда, иш фақат етишмаётган манбалар ва технологияларни четдан жалб қилиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон иқтисодиётининг бевосита хорижий инвестицияларни янги лойиҳаларда амалга ошириш, халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан

унумли фойдаланиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан жаҳон хўжалигига интеграцияси муаммоларини ҳал қилиш лозим.

Мамлакатимизга давлат кафолати асосидаги хориж капиталини кенг миқёсда жалб қилишда, ҳамда марказлашган қайта молиялаш тизимини кенгайтиришда, назаримизда, имкониятга қараб ссуда капитални ёки қарзлар шаклида эмас, балки бевосита хорижий инвестициялар кўринишида амалга оширилиши лозим. Янги лойиҳаларга киритиладиган бевосита хорижий инвестициялар корхоналарни энг замонавий технологиялар ва жиҳозлар билан қуроллантириш ҳамда жаҳон бозорига қисқа муддатларда чиқишини таъминлайли. Бунинг натижасида чет эл капитални киритилган тармоқларда мамлакат экспорт потенциалининг ривожланиши ва кенгайиши тезлашади. Буларни амалга ошириш учун узоқ муддатли алоқаларни йўлга қўйилиши, ҳар иккала томон эҳтимоли бўлмиш рисклар билан тўқнашишга тайёрлиги ва мамлакатлар ўртасида ишончли алоқаларнинг мустаҳкамланиши талаб этилади.

Шундай қилиб, хорижий инвестицияларининг ҳаракати натижасида бир иқтисодиёт капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ҳамда минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради.

Ўзбекистон учун бугунги кунда транспорт инфратузилмаси ривожланишининг чекланганлиги долзарб муаммо ҳисобланади. 1996 йилдан транспорт ва алоқа тизимига капитал маблағларни молиялаштириш мамлакат миқёсида кескин ошди. Мустақиллик йилларида Республикада коммуникация мажмуаси динамик ривожлантирилди. Инвестиция йўналиши ушбу мажмуага кирувчи тармоқларни янги техника ва технология билан таъминлашга қаратилди. Транспорт ва коммуникация инфратузилмасининг ривожланишидаги мутаносиблик миллий иқтисодиётда қулай инвестиция муҳитини шакллантиради. Уяли алоқа ва кўчма телевизион алоқалар ташкил

этилмоқда, миллий алоқа тизими асосини яратишда оптик толали алоқа таромоғининг биринчи қисми ишга туширилди.

Келгусида хорижий давлатларга чиқиш имкониятини кенгайтиришга олиб келувчи, транспорт инфратузилмасининг муҳим қисмлари, автомобил ва темир йўллари қурилиши доимий равишда давом эттирилмоқда.

Бироқ давлатнинг инвестицион сиёсатида ҳали ҳам бир маромда бюджет маблағларини тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Масалан, ислохот йилларида, аграр тармоққа республиканинг иқтисодий ривожланишида устуворлик берилган бўлсада, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича аввалгидек ўз мавқеида сақланиб қолгани йўқ. Агар ялпи капитал маблағлар ҳажмида қишлоқ хўжалиги тармоғига йўналтирилган инвестиция маблағлари миқдорини таҳлил этадиган балсак у ҳолда қишлоқ хўжалигига йўналтирилган маблағлар миқдорини кескин камайганлигини кўришимиз мумкин, чунки қишлоқ хўжалигига берилган капитал маблағлар миқдори 2011 йилда жами капитал маблағлар улушининг бор йўғи 3,2 фоизни ташкил қилган ҳолос¹. Ваҳолангки бу кўрсаткич 1991 йилда жами капитал маблағларнинг 25 фоизига тенг бўлгандир. Демак, мамлакат аграр соҳасининг асосини ташкил этган қишлоқ хўжалигига давлат бюджетидан берилган капитал маблағлар ҳажми сўнгги ўн тўрт йил ичида деярлик беш мартага камайган. Бундай ҳолат республиканинг асосий тармоқлардан бири бўлган қишлоқ хўжалиги мажмуасининг моддий техника базасининг мустаҳкамланишига салбий таъсир кўрсатади. Худди шундай ҳолат қурилиш тармоғида ҳам кечди, ялпи капитал маблағлар ҳажмида қурилиш тармоғига йўналтирилган инвестициялар улуши 1991 йилда 2 фоизга тенг бўлган бўлса, 2011 йилда 0,8 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда қурилиш мажмуасини қайта қуришнинг мукамал тизими мавжуд эмас, хусусий қурилиш фирмаларининг шаклланиши ва амал қилиши жараёнини қўллаб-қувватлаш ишлари суст даражада олиб борилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикасининг йиллар бўйича Ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш асосий кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Хукумати иқтисодий ислохотларни ўтказиб, ҳамisha халқаро меҳнат тақсимоти қулайликларидан кўпроқ фойдаланишга интиломоқда, хорижий тадбиркорлар ва давлат томонидан қафолатланган инвестицион маълағлардан фойдаланиш учун қулай инвестиция муҳитини яратмоқда.

- Мамлакат учун давлат томонидан қафолатланган хориж инвестицияларини жалб этиш ва марказлашган инвестицияларни молиялаштиришнинг устувор соҳаларига қуйидагилар киради:

- агросаноат мажмуини ривожлантириш, бу эса пироварида аҳолининг меъёردаги турмуш фаолиятини таъминлаш имкониятларини яратади;

- саноатнинг устувор соҳаларини, ёқилғи энергетика мажмуини жадал ривожлантириш, иқтисодиёт соҳаларининг илм-фан талаб тармоқларида ишлаб турган қувватларини янгилаш ва янгиларини барпо этиш, республиканинг импортга қарамлигини камайтириш;

мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кўтариш, экспортда машинасозлик техника маҳсулотлари, тайёр маҳсулотлар ҳиссасини ва ҳажминини кўпайтириш, газ конденсати хом-ашё базасини ўзлаштириш, кимё маҳсулотлари, ўғитлар экспортини кўпайтириш;

Марказий Осиё бозорини ривожлантиришда иштирок этиш, шу минтақадаги корхоналарнинг ҳамкорлиги учун зарур бўлган иқтисодий ва ташкилий шароитларни барпо этиш, ўзаро манфаатли объектларни ҳамкорликда қуриш ва тиклаш.

Тузилмавий давлат инвестиция сиёсатидан асосан иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни ўтказиш сиёсатини амалга оширишда, техника ва технологияни янгилаш жараёнини жадаллаштиришда биринчи навбатда ишлов берувчи тармоқларни (айниқса иқтисодиётда истеъмол соҳани) ривожлантиришда кенгроқ қўллаш зарурдир.

Республика иқтисодиётида машинасозликнинг қиёсий ҳиссасини ошириш бўйича қисқа ва узоқ муддатли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу муаммонинг нақадар ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини ушбу тармоғда ишлаб чиқарган маҳсулот миқдоридан кўrsa бўлади. Ўтган 2011 йили бу тармоқнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот таркибидаги ҳиссаси тахминан 4 фоиз эди, ҳолбуки, ҳозирги замонавий иқтисодиёт учун бу фоиз 20га тенг (МДХ мамлакатлари учун Ўртача 12). Бундан шуни ҳам назарда тутиш керакки, Республика учун ананавий машинасозлик кичик тармоқларда (пахтачиликни механизациялаш, мерлиорация ва ирригациянинг техник воситалари) вужудга келган бугунги вазият туфайли сифати паст ва қиммат турадиган техникаларимиз ғарб ҳамда Америка намуналари билан тенг рақобат қила олмайди.

Хориж инвестицияларидан ва марказлашган инвестициялардан мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, етиштирилган маҳсулотларни сақланишини ва уни истеъмолчига етқизишни таъминлашда кўпроқ фойдаланиш даркор. Бунга етарли шарт шароитлар мавжуд.

Хорижий фирмалар, ҳалқаро ташкилотлар бу йўналишларнинг барчаси бўйича йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок этиб, махсус кредитлар ажратмоқда. АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Европа тикланиш ва тараққиёт банки энг янги асбоб-ускуналар ҳамда технологияларни катта миқёсда импортини молиялаш бўйича битимларни имзолади.

Дехқон-фермер хўжаликларида шу мақсадлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг моддий базаси яратилмоқда, консервалар, колбаса ва бошқа гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган механизациялашган цехлар қурилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори, хусусан, акциядорлик жамиятлари акциялари бозори ғоят жадал ривожланмоқда. Республика иқтисодиётида акциялар сотиш орқали жалб этиладиган чет эл

инвестициялари муҳим аҳамиятга молик бўлиши учун тегишли шароитларга қуйидагилар киради:

- барқарор молиявий кўрсаткичларга эга акциядорлик жамиятларининг етарли миқдорда бўлиши;
- ушбу ташкилотлар акцияларини ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш тизимининг мавжуд бўлиши;
- қимматли қоғозларнинг ташкил этилган бозори-фонди биржасининг фаолият кўрсатишини янада такомиллаштириш, унга имкон қадар янги очилаётган ва ташкил топаётган кичик ва хусусий бизнес субъектларини жалб этиш;
- қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган барча операцияларни ҳалқаро талабларга мувофиқ ўтказиш;
- мавжуд барча қимматли қоғозларнинг даромадлилик, юқори ликвидли бўлиши ҳамда уларни бошқариш усулларини соддалаштириш йўллари излаб топиш ва ҳ.к.

Мамлакатимизда инвестиция фаолиятини тартибга солиш уни янада такомиллаштириш жараёнлари бевосита чет эл валюталарининг сўмга нисбатан алмашиш кўрсаткичларини бир қиллаштириш тадбирларига ҳам боғлиқдир.

Шу муносабат билан ишлаб чиқаришга жалб этилаётган марказлашган инвестицияларни рағбатлантириш учун тадбиркорлик тузилмаларига жадаллашган амортизация усуллари қўллашда тўла эркинлик бериш талаб этилади. Жамғариш ва инвестициялашни рағбатлантириш учун, бизнинг назаримизда, инвестиция бўйича солиқ кредитларининг турли шакллари кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиши зарур. Энг муҳими — бозор иқтисодиётига ўтишнинг бугунги босқичида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий фаоллигини тартибга солиш, уларни хорижий шериклар ва миллий иқтисодиётнинг бошқа субъектлари билан тенг ҳамкорлик манфаатлари асосида лойиҳаларини амалга оширишга қаратилиши лозим.

Бизнинг назаримизда, миллий иқтисодиятимиздаги чекланган ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий манфаатлар нисбатини мақбуллаштириш, солиқларни тартибга солувчилик функциясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, марказлашган инвестициялар бўйича иқтисодиятнинг реал секторида нодавлат тузилмаларининг инвестиция фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш солиқ кредитлари воситасида олиб борилса у янада самаралироқ бўлар эди.

Иқтисодиётларнинг глобаллашуви, байналминаллашуви ва бири-бирига кириб бориши, чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётга жалб қилиш ҳаётий заруратга айланиб бораётган ҳозирги шароитларда, инвестиция фаолиятини тартибга солиш, инвестиция капиталини бизнинг мамлакатимизга экспорт қиладиган мамлакатларнинг амалдаги қонунларини, инвестиция муҳитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш талаб этилади.

Бизнинг фикримизча иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини реструктуризация қилиш жараёнида инвестициялаш ҳолати ва уларнинг самарадорлигини оширишда янада ижобий натижалар олиш мақсадида қуйидаги умумий тавсияларни бериш мумкин:

1. Инвестиция жараёнлари ривожланишини тўхтатиб турувчи энг муҳим муаммоларга қуйидагилар киради:

- институционал қайта қуришнинг такомиллашмаган тизими;
- корхоналарнинг ўзаро қарздорликларини мавжудлиги, оборот маблағларининг етишмаслиги, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига етарли даражада инвестиция жалб қилишига салбий таъсир этиб, боз устига мавжуд қўйилган сармоялардан фойдаланиш даражаси ҳам сустлиги;
- миллий пулимиз сўмнинг муомалага киритилган даврдан бошлаб каттиқ пул-кредит сиёсатининг юритилиши натижасида, яъни Марказий банк томонидан тижорат банкларига маблағ ажратиш қонун бўйича 6 ойгача чегараланганлиги(бугунги кунда бу муддат уч ойга туширилган) боис

мамлакатда амалга оширилаётган инвестицион сиёсатда марказлашган инвестициялар орқали молиялаштириш миқдори паст бўлиб қолганлиги;

- марказлашган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларининг ҳали ҳам эски мезонларидан фойдаланилаётганлиги;

- бюджет маблағларининг ва кафолатланган давлат хориж инвестицияларининг йўналишларининг нотўғри танланаётганлиги ва бошқалар.

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида аграр соҳаси катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли марказлашган инвестицияларни сафарбар этишда бугунги кунда иккита йўналишга қаратиш лозим:

- а) бевосита қишлоқ хўжалигига микро техникалар ва ирригация мелиорация ишларига йўналтириш;

- б) қишлоқ хўжалик соҳасига хизмат кўрсатувчи саноат соҳасига яъни аграр соҳага технология ва техника, ҳамда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларига сарфлаш.

Шуни таъкидлаш лозимки, марказлашган инвестицияларни бевосита даромад келтирадиган тармоқларга эмас, балки аҳолининг талаб ва истакларини кўпроқ қондира оладиган тармоқларга жойлаштириш бюджет маблағларидан фойдаланишнинг энг оқилона йўли бўлиб ҳисобланиши керак.

3 Бевосита савдо-сотиқ, яъни муомала йўналишига эмас, балки моддий бойликлар айниқса аҳолига зарур бўлган кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтириш(гарчи бу тармоқлардан келадиган даромад паст бўлсада улар мамлакат аҳолисини керакли бўлган маҳсулотлар билан тез ва қисқа муддат ичида таъминланишига имкон яратади);

4. Марказлашган инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичларини улардан олинadиган даромадлари миқдорида эмас балки мамлакатда яратилган экспортбop товар асосидаги жами маҳсулотларининг миқдorigа нисбатан ҳамда аҳолини тез ва қисқа муддат ичида қанча маҳсулотларга бўлган талабини қондириш миқдори билан ҳисоблаш.

5. Ҳозирги пайтда амалга оширилаётган реструктуризациялаш жараёнларини молиялаштиришнинг асосий йўлларида бири бўлиб марказлашган инвестициялар орқали молиявий маблағларни фақат биргина асосий объектга эмас, балки унга ёрдамчи саналган объектларга йўналтирилиши ҳисобланади. Бунда марказлашган инвестициялар барча куриллаётган(шаклланаётган) объектини тўлиқ ўз ичига қамраб олади.

Хулоса қилиб айтганда инвестицияларини молиялаштиришда турли манбаларнинг ўзаро нисбатлари ўз моҳиятига кўра инвестициялар қийматини сақлаш ва капиталлаштиришдаги тегишли рисклар мажмуини тавсифлаш. Шу нуқтаи назардан молиялаштириш манбаларида давлат томонидан қамролланган хорижий инвестициялари ролини ошириш, бериладиган ресурслардан самарали фойдаланиш ўзига хос манба бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун, келажакда мамлакат иқтисодий потенциалини кўтариш ва барча бирламчи, асосий тармоқларни мувозанат ҳолда ривожлантиришда ушбу манбалардан фойдаланиш республикамиз тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади деган умиддамиз.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсатини таҳлил қилиб такидлаш мумкинки барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири сифатида давлатнинг самарали инвестиция сиёсатини қабул қилишимиз мумкин.

Инвестиция сиёсатини амалга оширишда тижорат банклари инвестиция жараёнининг асосий бўғинига корхоналарнинг чинаккам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлишлари мумкин.

Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бу инвестицияларни молиялаштириш соҳасида давлатимизда тузилмавий қайта реструктуризациялаш борасида муаммоларнинг мавжудлиги. Ушбу муаммони ечишда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бир қатор амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Хорижлик инвесторлар учун бир қатор ҳуқуқий ва сиёсий-иқтисодий имтиёзлар белгиланган. Жумладан: давлат кафолати, яъни ушбу корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳеч қандай лицензиясиз ва тўсиқсиз олиб чиқиб кетиш, хориж инвестициялари иштирокида фаолият юритаётган корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни ва технологияни янгилаш учун қайта инвестицияланадиган қисмини солиқ тўлашдан озод қилиш, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнига, шу жумладан, уларга кенг доирадаги кўчмас мулкни сотиш ва хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 100 фоизга қадар миқдорини сотиб олишларига эркин киришини таъминлашдан иборат бўлган имтиёзлардир.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётининг етакчи тармоқларини реструктуризация қилиш жараёнида марказлашган инвестицияларни молиялаштириш ҳолати ва уларнинг самарадорлигини оширишда янада ижобий натижалар олиш мақсадида қуйидаги тавсия ва таклифларни инобатга олиш зарур:

1. Инвестиция жараёнлари ривожланишини тўхтатиб турувчи энг муҳим муаммолар қаторига қуйидагиларни ҳам киритиш зарур:

- корхоналарнинг ўзаро қарздорликларини мавжудлиги, оборот маблағларининг етишмаслиги, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига етарли даражада инвестиция жалб қилишига салбий таъсир этиб, боз устига мавжуд қўйилган сармоялардан фойдаланиш даражаси ҳам сустлиги;

- миллий пулимиз сўмнинг муомалага киритилган даврдан бошлаб қаттиқ пул-кредит сиёсатининг юритилиши натижасида, яъни Марказий банк томонидан тижорат банкларига маблағ ажратиш қонун бўйича 6 ойгача чегараланганлиги(бугунги кунда бу муддат уч ойга туширилган) боис мамлакатда амалга оширилаётган инвестицион сиёсатда марказлашган инвестициялар орқали молиялаштириш миқдори паст бўлиб қолганлиги;

- марказлашган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларининг ҳали ҳам эски мезонларидан фойдаланилаётганлиги.

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида аграр соҳаси катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли марказлашган инвестицияларни сафарбар этишда бугунги кунда иккита йўналишга қаратиш лозим:

- а) бевосита қишлоқ хўжалигига микро техникаларни ишлаб чиқиш ва ирригация мелиорация ишларига йўналтириш;

- б) қишлоқ хўжалик соҳасига хизмат кўрсатувчи саноат соҳасига яъни аграр соҳага технология ва техника, ҳамда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларини қайта модернизациялашга йўналтириш.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, марказлашган инвестицияларни бевосита даромад келтирадиган тармоқларга эмас, балки аҳолининг талаб ва истемолини кўпроқ қондира оладиган тармоқларга жойлаштириш бюджет маблағларидан фойдаланишнинг энг оқилона йўли бўлиб ҳисобланиши керак.

3. Бевосита савдо-сотиқ, яъни муомала йўналишига эмас, балки моддий бойликлар айниқса аҳолига зарур бўлган кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтириш(гарчи бу тармоқлардан келадиган

даромад паст бўлсада улар мамлакат аҳолисини керакли бўлган маҳсулотлар билан тез ва қисқа муддат ичида таъминланишига имкон яратади);

4. Марказлашган инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичларини улардан олинадиган даромадлари миқдорида эмас балки мамлакатда яратилган экспортбоп товар асосидаги жами маҳсулотларининг миқдorigа нисбатан ҳамда аҳолини тез ва қисқа муддат ичида қанча маҳсулотларга бўлган талабини қондириш миқдори билан ҳисоблаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: “Ўзбекистон” 2008 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари

1. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш ва чора - тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 14.06.2011 й.
2. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 14.06.2011 й.
3. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент. 15.06.2011 й.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. «Пул-кредит кўрсаткичларни тартибга солиш механизминини

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 04.02.2009.

2. «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 05.08.2008.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти илмий асарлари

1. Каримов И.А. «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор». Тошкент. 2006 й.
2. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Тошкент. 2006 й.
3. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» -Т. Ўзбекистон. 2011 й. – 92 б.
4. Каримов.И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.Т.,Ўзбекистон.2011 йил.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон–XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари », Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон–бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
7. Каримов И.А. «Ўзбекистон–иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», Т.: «Ўзбекистон», 1995 й

V. Дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар ва илмий мақолалар

1. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Т.: “Молия” 2006, - 312 б.
2. Асадов Д.Б. Стадия маркетинга инновационного проекта – важный фактор управления проектами. –М., 2011. 134 б.

3. Asian Development Bank Annual report 2008. Manila:Tien Wah Press/2009
4. Ачилов М.Ф. «Иностранные инвестиции и проектный анализ». Т., 1996
5. Беренс В., Хавранек П.М. «Руководство по оценке эффективности инвестиций». М., «Инфра-М», 1995
6. Бутиков И. “Қимматли қоғозлар бозори”.-Т.: Консаудитинформ, 2007.- 280 б.
7. Богатин Ю.В., Швандар В.А. “Инвестиционный анализ” Учебное пособие. – М., ЮНИТИ, 2009. - 150 с.
8. Бозор, пул ва кредит. 2010-2011 йй. №1-12
9. Бочаров В.В. «Финансово-кредитные методу регулирования рынка инвестиций»-М.: «Финансы и статистика», 2010.-147 с.
10. Валдайцев С.В.. Воробьев П.П. и др./ Под редакцией В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина “Инвестиции”, Учебник, - М.: ТК Венби, изд. Проспект, 2009. - 146 с.
11. Волков И.М., Грачева М.В. “ Проектный анализ”. – Учебное пособие, М.: “Дело ЛТД”, 2009. - 189 с.
12. Газибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия», 2009. 323 б.
13. Газибеков Д. «Ўзбекистонда инвестициявий муҳит ва уни яхшилаш йўллари» «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида эркинлаштириш ва жаҳон тажрибасини қўллашнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий конференция тўплами. БМА, 2009.
14. Газибеков Д. Ўзбекистон минтақаларини ривожлантиришда инвестицияларни таъминоти. Фарғона давлат университетининг 70 йиллигига бағишланган ҳалқаро илмий-амалий анжуманлари, 19-20 апрел, 2007 й.
15. Дж. Кейнс. «Общая теория процента и денег». М., «Прогресс», 1978.

16. Джонс Э. «Деловые финансы», М., 1998.
17. Додиев Ф. «Инвестиция фаолиятини молиявий рағбатлантириш», и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 1998.
18. Ендовский Д.Л. и др. “Практикум по инвестиционному анализу” Учебное пособие, М., Финансы и статистика, 2009. - 159 с.
19. Золотогоров В.Г. «Инвестиционное проектирование» Минск, 1998.
20. Ивонин С.В. Усиление влияния фондового рынка на макроэкономическую политику Республике Узбекистан. –М., 2011. 125 б.
21. Игошин Н.В. «Инвестиции: организация управления и финансирование», М., «ЮНИТИ», 2008.
22. Йўлдошев М., Й. Турсунов. Суғўрта ҳуқуқи. Т.: «Молия». 2008, -196 б.
23. Ковалев В.В. “Методы оценки инвестиционных проектов”. Учебник, М.: ФинансЪ и статистика, 2009. - 149 с.
24. Ковалев В.В. “Методы оценки инвестиционных проектов”. Учебник, М.: Финансы и статистика, 2009. - 149 с.
25. Кожухар В.М. Практикум оценки инвестиций: Учебное пособие, М., издательство Торговая корпорация Дашков ИК, 2010. - 214 с.
26. Костина Н.И., Алексеев А.А. “Финансовое прогнозирование в экономических системах”, учебное пособие для ВУЗов, М. ЮНИТИ – ДАНА, 2010. - 176 с.
27. Международные инвестиции и международные закупки. Под.ред. Есипова В.Е. СПб, ГУЕФ, 2009-313. 102 б.
28. Найденов В.И. «Инвестиции» М., 2011.

29. Особенности управления портфелем ценных бумаг в малых банках. // Бозор, пул, кредит. № 10, 2011, с. 26-28.
30. Рашидов О.Ю., Карлибаева Р.Х., "Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш " – Т.: ТДИУ, 2011. - 127 б.
31. Семенов А.Л., Инвестиционный анализ и оценка эффективности проектов, Часть 1 учебно-методического пособия, М., Экономический факультете МГУ, ТЕИС, 2010. - 284 с.
32. Серов В.Н. «Инвестиционный менеджмент», М., 2006.
33. Синицина Н.М. "Рынок ценных бумаг", учебное пособие, Н. Новгород, 2010. - 55 с.
34. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. "Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу предприятий", учебное пособие, М., Финансы и статистика, 2010. - 111 с.
35. Тумусов Ф.С. «Инвестиционный потенциал региона», М., «Экономика», 1999.
36. Хайдаров Н. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари» и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2009.
37. Хонко Я. "Планирование и контроль капиталовложений" - М.: "Экономика", 2009. - 90 с.
38. Финансы и кредит. 2011 г. №1-33.

VI. Статистик маълумотлар ва йиллик ҳисоботлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2011 й январ-март статистик ахборотномаси.
2. Ўзбекистон иқтисдиёти. Тахлийй шарх.. 2010 й. №7
3. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический обзор за 2011 г.

VII. Интернет сайтлари

1. www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm
2. www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm
3. www.travel-library.com www.thebanker.com
4. www.Ziyonet.uz